

ЖАМОЛ СИРОЖИДДИН

ЗАҲҲОК САЛТАНАТИНДА

Литературно-художественное издание

Жамол Сирожиддин

ПОД ВЛАСТЬЮ ЗАХХОҚА Стихи

На узбекском языке

Адабий — бадий нашр

Жамол Сирожиддин

ЗАҲҲОҚ САЛТАНАТИНДА Шеърлар

«Сўғдиён» нашрияси, Самарқанд, 1994, 136 бет.

Муҳаррир — *Нурулла Остон*
Мусаввир — *Аҳмаджон Умаров*

ЖАМОЛ СИРОЖИДДИН ЗАҲҲОК САЛТАНАТИНДА

Шеърлар

Ушбу китобимнинг савобини бобом — шаҳид Сирожиддин Сайид Бурҳониддин ўғлининг мўътабар руҳларига бағишлайман.

«Суғдиён» нашриёти, Самарқанд, 1994, 137 бет.

Истеъдодли шоир Жамол Сирожиддиннинг ушбу тўплами турли йилларда ёзилган, бироқ вақтида нашр эттирилмаган шеърларидан таркиб топди. Шоир мустамлакачилик сиёсатини «Шоҳнома»даги Заҳҳокка қиёслайди. Турли нашриётларда қўлёзма сифатида ётган ушбу китобни 5—6 йил кечикиб бўлсада эътиборларнингизга ҳовола этаётганимиздан шодмиз. Мавлоно Хумий таҳаллусли шоиримизнинг бу тўплами ҳам Сизни бекфарқ қолдирмайди, деб ўйлаймиз.

Сиражиддин Жамал
ПОД ВЛАСТЬЮ ЗАХХОКА
Стихи

Без объявления.

© «Суғдиён» нашриёти, 1994

ДАЪВАТ

...«Аз Ҳинду Самарқанду Ироқу Ҳамадон хез!
Аз хоби гарон, хоби гарон, хоби гарон хез!
Аз хоби гарон хез!»...

МУҲАММАД ИҚБОЛ

Золим замон ўтиб, мазлумга дўнар,
Бўлур озод Ватан маҳрам работим!
Тобакай тўнкага Ҳумо қуш қўнар?!
Озод бўл, обод бўл, эй, хароботим!

Қовун, тарвуз егач ҳар гал этдинг ёд:
«Манзил-обод», — дединг ҳам, — «Ширин — озод!»
Ҳар биринг мунчалар Ширинсан эй, дод!
Озод бўл, обод бўл, эй, хароботим!

Азалдан зобитлар йўриғи аён:
Сенинг камолишгдан кўрадир зиён!
Алар илондирлар, алардир — чаён!
Озод бўл, обод бўл, эй хароботим!

Ғаним ғолиб ичди, Сен аламзада,
Ичдинг тўйхонада, ичдинг азада.
Ўзни абгор этдинг, бўлдинг майзада
Озод бўл, обод бўл, эй, хароботим!

Чеккан риёзатинг ҳаққа етгулик,
Ортиқ жафо андин ўтиб кетгулик.
Фақат шу дард қолди очиқ битгулик;
Озод бўл!
Обод бўл!
Эй, хароботим!!

1988.

КУЗИ ОЧИЛМАГАН УЛУС КҮРГИЛИГИ

..Алқисса, Фаридуллин Аттор ҳазратлари зобит мўғул қўлида асир бўлдилар. «Мени ўлдирма, бу мусулмон дунёсида беҳад машҳур одамман. Катта бойлик эвазига мени сотишинг мумкин», — дедилар. Ниятлари дунё кезиб вобитлар кирдикорларини кўриш ва ўз баҳоларини билиш эди. Таъмагир мўғул кексайиб, мункиллаб қолган ҳазратнинг бўйинларига каманд ташлаб шаҳарма-шаҳар, қишлоқма-қишлоқ ўзи билан олиб юрди.

Отхона бўлибди манави мачит
Ярими нурабди мезананинг ҳам.
Кузғунга ем бўпти бу шўрлик майит
Кўзи очилмаган улусға бу кам!

Ариғ — поклик деган сўз ахир, дариг-!
Ахлат оқар бўпти бу мурдор ариғ!
Шул сабаб эл аро ярақон—сариг,
Кўзи очилмаган улусға бу кам!

Ўйноши мўғулдир бу муслимани.
Наҳс яра комида вужуди-тани.
Жони азиз бўлса ордан ҳаммани
Кўзи очилмаган улусға бу кам!

Эркаги ҳез бўлмиш, аёл — беибо!
Ешлари зобитга бўлибди сипоҳ.
Гўдаки ўрганса мўғулча имло
Кўзи очилмаган улусға бу кам!

Сал амал теккани отасин отар,
Амал деб онасин, синглисин сотар!
Қашшоғи бойига тиш қайраб ётар
Кўзи очилмаган улусға бу кам!

Даштида қолмабди оҳую сайғоқ,
Шаҳидлар қонидан дўнг, адир тайғоқ,
Дўст дўсти ҳақида ташиса айғоқ
Кўзи очилмаган улусға бу кам!

Бу қандай разолат эгам, назар қил!
Бирор амал берса шояд деб мўғул
Жаназасиз кўмса отани ўғил,
Кўзи очилмаган улусға бу кам!

Олими бобосин битигин бузар,
Мўғулга хушомат башорат тузар!
«Фалонча маним!» — деб бир-бирин сузар!
Кўзи очилмаган улусға бу кам!

Дарёю уммони ўрнида сароб,
Шаҳарлар вайрона, қишлоқлар хароб!
Қибласи — кўкнорзор!
Дини — банг, шароб!
Кўзи очилмаган улусға бу кам!

1989.

УМРИМ НАВРУЗЛАРИ (туркум)

II. НАВРУЗ МУШОИРАСИГА

Бугун янги йилдир, ба форси—навруз
Ажиб мушоира этмоқда давом.
Даврадош дўстларим беҳад латиф сўз,
Уртада чайқалар илҳом тўла жом.
Жомдир у сабрга этгум мен қиёс
Лиммо-лим тўлмишдир не бағирларда
Фаровон элимиз йиғгай нарз-ниёз
Замондош қай бир юрт сағирларига.

Бугун янги йилдир, ба форси—навруз
Бизнинг қир-адирлар алвон лозазор.
Маслаҳат беради қўшним-да дилсўз
Московда пулдир гул йиғгину оббор.
У билмас гул унмас не-не адирлар
Шу лаҳза одамнинг қонидан қирмиз.
Олис Сальвадорда мушфиқ гўдаклар
Бўзлашар уй-жойсиз, ота-онасиз.

Бугун янги йилдир, ба форси—навруз
Бахт излаб кезинар бокира қизлар.
Шомдан то тонггача юма олмай кўз
Қаҳ-қаҳа, нур сочар кўп деразалар.
Фаластинлик она айни шу оқшом
Жой сўраб сиғинар деразаларга
Дераза кўз юмар, Хонада ҳаром —
Жой бермас онанинг болаларига.

Бугун янги йилдир, ба форси наврӯз
Тухум уриштирар болалик шодон.
Носқовоқ тутганча бир жўжахўроз
Дўстлар тухумларин синдирар чаққон.
Наврӯзни не билсин Оқ уй, Вашингтон,
Лек ерни этолур тухумга қиёс.
Носқовоқдек ушлаб қўлда нейтрон,
Ерни парчалашга излайди асос.

Бугун янги йилдир, ба форси наврӯз,
Ҳадиса, сумалак, қозонлар лим-лим.
Ўқлоққа боғланган кафгир, юмуқ кўз,
Қозон ковлашлардан хўп толган қўлим.
Кўк сомсани ковшаб, косани ушлаб,
Тонгда улашганман элга сумалак.
Сумалакли қўлим олганди тишлаб,
Шўх эди қўшни қиз, сочи жамалак.

Бугун янги йилдир, ба форси наврӯз
Элимнинг байрами тортқилар ўйим.
Токи айтгунимча сизга табрик сўз,
Меҳмонга лиқ тўлиб тургандир уйим.
Тилагим: бўлмасин уйсиз одамлар,
Одамсиз уйларнинг фожеаси ҳам.
Заминни тарк этсин урушлар, ғамлар,
Янги йил ер учун бўл қутлуғ қадам.

Айём муборак эй афғон биродар
Сизчун унут бўлсин душман деган сўз.
Тобора яқиндир қуёшли кунлар.
Муборак янги йил, муборак наврӯз.

1983.

VI. КЕЛДИНГМИ НАВРЎЗ?!

Қўрқардим — қарғалар хониши тинмас,
Ҳамал амалиға — арзиға минмас,
Тарновлардан шаффоф найзалар синмас,
Қулбоши зулмининг ўтлари сўнмас,
Таҳқирни унутмас, «кел», — десанг келмас!
Киприкларга чўғми, шудринг осар кўз —
Яна келдингми-я, келдингми — Наврўз?

Билмадим, баданда йўқми ё оринг,
Уч кунми мен каби кеку-ғуборинг?
Наҳотки унутдинг сўзин киборнинг?!
Мени лол қолдирди сенинг рафторинг,
Ушалар бирламу «қайт!» деган ёринг?
Бўғзимни куйдирар хўрлик, алам, сўз!..
Яна келдингми-я, келдингми — Наврўз?!

«Навбаҳор» дейишса «мен!» — дедингми-ҳай?
Сурнайчи бошқадир, булар бир сурнай!
«Бир борай» дедингми муқом ўзгармай!
Бир пуфи тақвою, ўзга пуфи май!
Сени-да ражитмай, ўзим чалғимай,
Сенча эмасманми некбин, дилафрўз?
Яна келдингми-я, келдингми — Наврўз?!

Сенча ранж кўрсайдим кетардим бадар...
Ғўлжа, Хирот, Табрес сари дарба-дар,
Бир бошға бир ўлим, мунча кўп хатар?!
Хоразм қасдиға ул мўғул-татар —
Отланган замондан бугун беш багтар!
Зулматни енгдингми, тенглашди шаб-рўз?!
Яна келдингми-я, келдингми — Наврўз?!

Еки бул келмагинг ишоратму-ҳей?!
Аждаҳо маргидан башоратму-ҳей?!
Навобий юртида кўп ғоратму-ҳей?!
Таяммум — қон билан таҳоратму-ҳей?!
Е манқурт элиға ҳақоратму-ҳей?!
Жигар то жигарга бўлмасдан дилсўз —
Яна келдингми-я, келдингми — Наврўз?!

Истардим Сен ҳақда Васфлар битсам.
Борлиққа сен каби қасида тутсам!
Қанийди зулми бир дам унутсам.
Қўлдаги кишан-ла зобитни бўғсам
Шундамай тутсанг-да «бор-э!» — лаб ютсам.
Асирман, на қилай, ўлимим кутсам!
Тиканли симлардан ошиб-ай жонсўз
Қон йиғлаб келдингми жигарим — Наврўз?!

Наҳот-эй, келдингми?.. Келдингми—Наврўз?

1987.

VII. МУБОРАКБОД

Гина — кудрат пайтимас, аразни қўй, бўлди тур.
Сумалакка аталган даҳсери қозонни қур.
Не-не қаҳратонлардан қутулиб чиққан умр
Тагин етиб келганинг — Наврўз муборак санга!

Кўрдинг.

Элин анордай эзган каслар етмади!

Адолат тўзоида учган хаслар етмади!

Ор-номусин олтинга сотган наҳслар етмади!

Сен-эй,

Етиб келганинг—Наврўз муборак санга!

О, ганирма ғўзанинг япроғндай жигардан,

Кеча асли бошқа-ю, бугун тили дигардан!

Вақт тулпори ёмонни ирғитворар эгардан,

Сен-эй,

Махкам турганинг — Наврўз муборак санга!

Наврўзга боқ!

Кўксида қанчалар чандиғи бор!

Искандар, Рум қайсари, Чингиз санчган тиғи бор!

Бодомгули остида тағин қанча йиғи бор?!

Чусти дўппи кийганим — Наврўз муборак санга!

Ҳар бир майса — яшил тил, бўзлар замин розини,

Замин бўлмаё туриб дил тинглай бил овозини!

Наврўз қайта запт этмиш рўзномалар юзини

Маним бўзлаб ёзганим — Наврўз муборак санга!

1988.

VIII. ВАСФ

Эриди қорн кўнгилни, қолди сайёди ҳам оз.
Чашмаи дил узра пар-парлаб учар ўрдак-ла, ғоз.
Уйғонар Машриқ замини тарк этиб хоби дароз.
Гуллари қайтгай чамани, булбули куйлайди роз.
Айламай бадбинга парво келди бул Наврўз боз!

Қор бу — асли мавт бўл-ан шўр замин санжоқидур,
Ҳам замин узра бу санжоқни демаким боқидур,
Қир-адирда бойчечак янглиғ нидолаш чоқидур,
Боқ, бодомни гуллари бошимга дўппи-тоқидур.
Қилсада зоғларки ғавғо келди бул Наврўз боз!

Энди қорлар шум рақиб янглиғ ўнгирдин мўлтирар,
Забт этиб борғай баҳору чўққи пойинда тинар.
Арпа буғдойли не қирлар ғолиб тугдай ҳилпирар!
Бул музаффарга тўловму — тоғдин сувлар шилдирар,
Қум ариқ оғзинда ҳулво келди бул Наврўз боз!

Шафтоли гул киприги нам шодликдин гирёнмикин?
Бул бинафша атрими ёки бўйи найсонмикин?
Кўҳна қабр бошида тақвода туран юмронмикин?
Ёки бу Наврўзни севмас ҳолига ҳайронмикин?
Эврилан жон бўлдимۇ ё келди бул Наврўз боз!

Айланиб кўрғил баҳорин Ушу Андижонини,
Ургуту, Бойсун-ла, Оқтош, ҳам Шоҳимардонини.
Тожику, ўзбек, қозоқ, қирғиз била туркмонини —
Ҳамжиҳат айлаб қорақалпоқ элин уммонини —
Сақладиму, қилди яғмо келди бул Наврўз боз!

«Мархабо Наврӯзи олам!» — деди тол баргак ёзиб,
Хонқизи хасга чиқиб-у, кўрсичқон ерни қозиб,
Чордоқу, том узра тунда «мов» мушук базми қизиб.
Унди юмшоқ замбўруглар ҳатто асфалтни бузиб,
Қурбақа оғзинда ялло келди бул Наврӯз бози!

Келди қарлуғоч дараклаб куздаги ошён сари,
Учди нар қумри тағин «ку-ку» лаб ул макён сари.
Сой суви тўлди етиб бултурги ул тугён сари,
Ҳар бир ҳалқопда чувалчанг чиқдиму найсон сари,
Бахш этиб қушларға савфо келди бул Наврӯз бози!

Бирга жағ-жағ терганим кетдинг, маконинг даштму-тоғ?
Ман келинтилли десам, бермас хабар ҳеч отқулоқ.
Борған ул жойингда райҳонму ўзинг ё исмалоқ?
Оғриди-ку жағ-жағим, лаб гунча бўлмаса чатоқ,
Руҳима ул эски савдо келди бул Наврӯз бози!

Барг ёзар шукрона-ла хок узра ток, анжир, анор.
Барг ёзар андин чиқолмай энди қанча дўсту ёр...
Сизга бул ким бор эса, бедор эса — васфи баҳор!
Ул шароби ишқни очсам ёр Жамоли чун шарор —
Бўлди Хум оғзинда пайдо келди бул Наврӯз бози!

1989.

Рамазон тонги бу, ҳалол бўл, пок бўл ювилсин кечаги
патосинг санинг.

Ҳадиса, сумалак, кўк сомса сани ифтор
вақти кутар интизор бўлиб,

Жазм этсанг қутулдинг никотиндан ҳам
дилигда ўзингга ишончинг тўлиб.

Мен эса бугуннинг танҳо бегидир байрами
ҳақида қасида битай.

«Вазни кўп оғир-ку?» — дема эй дўстим, бу
вазн бугуннинг табнатидай.

Сен уни қадимий шу Турон каби тўрт бўлак,
беш бўлак қилмоғингни қўй,

Тўрттага, бештага бўлиб бергули шу мисра
биттадир, қарагину, тўй!

Нўҳ боис биттадир шу бани одам, шу бани ҳайвонот,
набототлари,

Бугун Наврўз боис қайта уйғонар, қайтадан
тирилар, яшнайти барн.

Уйғониш демак бу, ғафлатни тарк эт, сайр
эт қўзичоқдай сарҳадлар аро,

Шамсий минг уч юзу етмиш тонгида тилайман:
Озод бўл, эй қул — Осиё!

1991.

XI. ШУКРОНА

Ераб, сани ҳар доим бир ўзинг-чун шукрона.
Бизга сени танитган ҳар сўзинг-чун шукрона.
Анбиёю авлиё дилсўзинг-чун шукрона.
Қишдан омон қутулдик, ризқ-рўзинг-чун шукрона.
Насиби рўзи этган Наврўзинг-чун шукрона!

Сумалакка етолмай қолганларам кўп бўлди.
Кетмоқ тилаб кетолмай қолганларам кўп бўлди.
Бу қиш — сирот, ўтолмай қолганларам кўп бўлди,
Чуқур қудуқда сувдек ҳар кўзинг-чун шукрона,
Насиби рўзи этган Наврўзинг-чун шукрона!

Қондан гапурмайман, йўқ, нондан гапурмайман, йўқ,
Таҳликада ўтган ҳар ондан гапурмайман, йўқ,
Неча бўғзима келган жондан гапурмайман, йўқ,
Нархи фалакда карбос ҳам бўзинг-чун шукрона!
Насиби рўзи этган Наврўзинг-чун шукрона!

Гўё тўфондин чиқдик, насиб этди қуруқлик.
Тугади қўр-бисотлар, чўнтаклар қуп-қуруқлик.
Суприлди хаммалар ҳам, қолдиму ҳей уруғлик?
Калиш — маҳсиға ямоқ дўз-дўзинг-чун шукрона!
Насиби рўзи этган Наврўзинг-чун шукрона!

Майли қолай ялангоч, фақат ўздан аюрма!
Истиқлол деб ўртанган қора кўздан аюрма!
Тишлик, тишсиз болампн ризқу-рўздан аюрма!
Жамолингдан аюрма, жон сўзинг-чун шукрона!
Насиби рўзи этган Наврўзинг-чун шукрона!

1992.

«ШОҲНОМА» САБОҒИ

Қачондир лиммо-лим оққан бу дарё,
Сайғоқу, оҳулар кезган бу саҳро,

Оқ — оппоқ кемалар сузган бу денгиз,
Зумрад боғлар аро булбулигўё,

Номуси жонидан ортиқ эр йигит,
Гул қизлар ширмойи юзинда ҳаё,

Меҳмонхоналарни безаган чоллар,
Тўрда амри маъруф айлаган бобо,

Унг кафтда қўр рўмол тутган келинчак,
«Ҳазор алиқ» айтиб эгдирган момо,

Меҳроби қиблага йўналган уйлар,
Ножойиз ўй учун «астағфирулло!»

Рапчада оқ жилдга ўроғлиқ китоб,
Деворда осиглиқ малла тўн, салло,

Қўшни том бошида сув бўлган Мажнун,
Ичкари ҳовлида бош ювган Лайло,

Тумшуқда узук-ла учган зағизгон,
Хазина устида ётган аждаҳо,

Шамдонга қулаган шодмарг парвона,
Гўр гишти «сушилка» бўлган Ҳувайдо,

Бирма-бир наздимда бўлишар пайдо,
Бирма-бир ёлвориб қилишар нидо:

— Боболар хатосин такрор айламанг,
Сайламанг, Заҳҳокни подшо сайламанг!

Сардоба гирдида тунаган карвон,
Мезана устидан янграган азон,

Фалакка қўл чўзган лайлак арава,
Қулочини кенг ёйиб дон сочган деҳқон.

Шолипояларда кезинган лайлак,
«Қўр-қур» — лаб самода узанган арқон,

Белидан сув кечиб турган қора тол,
Тўнғакда офтобга тобланган илон,

Соҳилда лунжини шиширган бақа,
Тақво-ла тулкини кўрмаган юмрон,

Ойдинда тўкилган маҳтоби ўрик,
Ўрикзорда юрган ул айиқполвон,

Балиқчи саёздан кўтарган сават,
Зигир ёғ, тутаган чим ўчоқ, қозон,

Авлнёбалиқлар лиқ тўла чашма —
Сатҳида кўпқари улоғидай нон,

Қорайган тўнкадан кўқарган чинор,
Садафда дур бўлган сабрли найсон,

Қамалак водийда ўтолган ошиқ,
Риёзат совути саналган катон,

Фаришта, инсу-жин, парили осмон
Бошимда чарх уриб кўтарар сурон:

— Боболар хатосин такрор айламанг,
Сайламанг, Заҳҳокни подшо сайламанг!

Ҳар қабр бошида ёй бўлган қамар,
Босмачи саналган не ватанпарвар,

Олмос қилич, олтин, жавоҳирли тахт,
Салтанат тожида порлаган гавҳар.

Тупроғи элакда эланган ҳар уй,
Қасб дея жонидан ажраган заргар.

Шаҳид ёрин кутган чиллали келин,
Дарёни тескари бурган жодугар,

Гўшт план қурбони қорабайирлар,
Ўзига ўт қўйган ҳурлиқо дилбар.

Қўлёма шеърлари ёқилган шоир,
Милтиққа қилич-ла югурган навкар,

Тўп ўқи қулатган пештоқу, гумбаз,
Отаю онасин ўлдирган аскар,

Ҳар шаҳар бошида тўфон сув омбор!
Кўҳна дин бошида чайқалган хатар.

Устида ишратгоҳ қурилган мазор,
Жарликда Баймоқдев еган сўнгалар,

Байталу эшшакдан туғилган хачир,
Гилга кул қўшгандан хушнуд кўзагар,

Аттору мешкопу чилангар, мисгар,
Бошимда жам бўлиб бир-бир бўзлашар:

— Боболар хатосин такрор айламанг,
Сайламанг, Заҳҳокни подшо сайламанг!

Йилда бир сайлга пул топган деҳқон,
Умида ҳаммомни кўрмаган чўпон,

Иму-жим юраги ёрилган яхши,
Эл дардин сўзловчи «ёзувчи», «ёмон»!

Топгани солиққа етмас қишлоқи,
Мардикор сотилган талаба ўғлон.

Ойлиги этикка етмас шаҳарлик,
Ҳаммомда одамга ўхшовчи аъён.

Қўрими бешик-ла тўлган саҳройи,
Тобутлар атрофин чулғаган алвон,

Игнадан бадномлик юқтирган марҳум,
«Едим!» — деб бўзлаган ул аҳли жинон,

Чегара ёв қилган қариндош эллар,
Хорижий давлатга айланган макон,

Чўчқа-ю, шаробни ҳаром деб билиб,
Бир-бирин гўштини еган мусулмон.

Етмиш йил қонунсиз қувраган тиллар
Қонуний ўлсин деб курашган закон.

Тириклай итларга таланган раҳбар,
Нархи ўн тийинлик бўлган арестон.

Хўрланган, зўрланган ожиза қизлар,
Отасин устида серямоқ чопон,

Дорбозу, морбозу, сурнайчи, полвон
Баланд дор остида қилишар фиғон:

— Боболар хатосин такрор айламанг,
Сайламанг, Заҳҳокни подшо сайламанг!

Қисматинг Язиддай бўлса гар аён,
Сув ичра турсанг-да чақадур чаён.

«Андиша йўқолди...» дегувчи дўстим
Қани у мену сен истаган мезон?!

Отабек, Анварлар шаҳид бўлдилар
Андиша қолсин деб бўлдилар қурбон,

Бу ёғи бирикмас Тошпўлат, Қалвак,
Обиду, Думбулу, Овсару, Шарвон...

Андиша найлади устанинг ўзин
Қиёмат — қойими сенмасму Замон?!-!

Тегрангга назар сол қанчалар Заҳҳок
Кифтида фаришта эмас, қўш илон.

Қасбидир фуқаро миясин емоқ
Тилайдир миялар зўрларин ҳамон

Сен айтган «уят»-ли шеърларим билан
Шоядки бўлсам Ковайи исён.

Қайтадан чалдирсам Исрофил сурун
Бир чалиб, бир аср ухларму ҳеч жон?!

Чиқ янтоқ бошиға айтгали азон
Тингла эй шаҳару, қишлоқи Фирвон:

— Боболар хатосин такрор айламанг,
Сайламанг, Заҳҳокни подшо сайламанг!

1988.

* * *

Қушлар кетар, қушлар кетар, бизларга
Шу шиддаткор асримизни қолдириб,
Тушлар кетар, ҳушлар кетар юзларга
Тошу, мәрмар ифодалар солдириб.

Дарёларни бизга ташлаб балиқлар,
Кетиб борар, бақалар ҳам сойлардан.
Лолалар ҳам — қирмиз либос тоғлиқлар
Воз кечмоқда ул бадҳаво жойлардан.

Сайғоқларим, жайронларим, қуралай,
Архарларим, қийик, оҳу, маролим,
Кетиб борар саҳролардан бўз тўрғай,
Лочинларим, бургутим, қирғовулим.

Кетар бир-бир соябон ул дарахтлар!
Биз қолурмиз манзарасиз саҳнада.
Қўшиқ кетар, кетар шодлигу, бахтлар
Айланганча бари той-той пахтага.

КЎЗ ОЧ ЁРИЖОН, ТУР!

(Муҳаммад Иқболдан)

Наргис каби эй гунча кўз очғил, нигорон тур,
Кошонамизи этди қароқчилар талон тур,
Янгради туюр ноласи-ю, бонги азон, Тур,
Оташнафасим бирла очил, бўлма хазон тур,
Кўз оч ёрижон, эй ёрижон, эй ёрижон Тур,
Кўз оч ёрижон, **тур!**

Хуршид тақинчоқлар бағишлабдур саҳарға,
Тонг гўшиға дил қонидин ул тақдику сирға,
Ҳар дашт ила тоғ қофиласи шайдир сафарға,
Эй чашми жаҳонбин ки тамошодир жаҳон тур,
Кўз оч ёрижон, эй ёрижон, эй ёрижон Тур,
Кўз оч ёрижон, **тур!**

Магриб дину кўзингға сепар чангу-ғубордир,
Жисминг хокида халқи жаҳон туфроғи бордир,
Ҳар зарраи тупроғинг нигоҳ, аждоди хордир,
Эй Ҳинду, Самарқанду, Ироқу, Ҳамадон тур,
Кўз оч ёрижон, эй ёрижон, эй ёрижон Тур,
Кўз оч ёрижон, **тур!**

Дарёинг сани дарёки — тинмиш мисли саҳро,
Дарёинг сани дарёки — сароб ила рўё!
Тўлқину, наҳанг бегонаси эҳ, бу не дарё?!
Мавждай синаи чокидан-эй бир ғалаён тур,
Кўз оч ёрижон, эй ёрижон, эй ёрижон Тур,
Кўз оч ёрижон, **тур!**

Номуси азални сан амони, сан амини!
Дорон жаҳонни сан ясори, сан ямини!
Эй бандаи хоки сан замони, сан замими!
Иймон қадаҳин тўлдиру, тарк эт гумон тур!
Кўз оч ёрижон, эй ёрижон, эй ёрижон Тур,
Кўз оч ёрижон, тур!

Фарёд фаранг макрию, диловези Овруп,
Найранг Ширинлиғи била Парвези Овруп,
Оламни хароб этди тамом Чингизи Овруп,
Меъмори ҳарам! Этғали таъмири жаҳон тур!
Кўз оч ёрижон, эй ёрижон, эй ёрижон Тур!
Кўз оч ёрижон тур!

Иқбол санға саксон йил бурун нола этибдур,
Сан ғофил эдинг нола-ки дунёни тутибдур!
Сандин бўлаги уйғониб мақсуда етибдур.
Ҳинд бирла Ироқу Ҳамадон турди, Турон, тур!
Кўз оч ёрижон, эй ёрижон, эй ёрижон Тур,
Кўз оч ёрижон, тур!

МАСЕҲОНИНГ ЯҲУДОГА АЙТГАНЛАРИ

Дўстим, бирга туриб, бирга ётдинг-а,
Ҳар гал мўъжизадан ҳайрон қотдинг-а.
Мудом неки топсак бирга тотдинг-а.
Дўстим! Упиб туриб Мени сотдинг-а?!

Учсин-эй, дунёда ҳасад оловн,
Одам — одамни. эл-элни талови.
Мангу бошинг узра шу сўз ялови —
Дўстим! Упиб туриб Мени сотдинг-а?!

Сенга вафо қилдим, сен жафо қилдинг.
Начора, ўз-ўзга сен жазо қилдинг.
Ортимдан дам ўтмай ҳам қазо қилдинг
Дўстим! Упиб туриб Мени сотдинг-а?!

Неча бор қайт дедим нопок йўлингдан,
Қайтмадинг серҳасад, маккор феълингдан,
Бу таъна аримас мангу элингдан —
Дўстим! Упиб туриб Мени сотдинг-а?!

Машҳаргача етар бу хоин ўпич!
Не-не масиҳ дамга ҳам зомин ўпич!
Гоҳо эр ўпичу, гоҳ хотин ўпич —
(Дўстим! Упиб туриб Мени сотдинг-а?!

1994

ШАФФОФ ШАРПА

(Марҳум шоир Суръат Ориповни эслаб)

Бир шарпа кезинар Самарқанд бўйлаб,
Аланга ҳили ё бир «оҳ!» рангида.
Туронлар, суронлар ҳақинда ўйлаб,
Ўйлаб кеча, бугун, эрта ҳақинда.

Марказий кўчадан борар у яёв,
Тусиз либослари ичра юпун жон.
«— Қарши келаётир дўстлардан биров...
Кўришмасдан ўтди, эски қадрдон...»

«Ором» кафеси ҳам оғзин ланг очиб,
Мудрайди, келгану, кетганга фарқсиз,
«— Қани у: Сув сероб пиводан ичиб.
Ўқчиган эркагу фаҳш нели «қиз»?!

Қани у — майфуруш. сўхтаси совуқ
Турфа хил оғудан ясовчи ароқ?!
Қани у — «концлагер» чиқарган говуқ?
Қани у — шўр балиқ — умуртқа тароқ?

Қани у — кимга мушт, кимга гарсаки,
Кимнидир бошида синган бокаллар?!
Қани у — қулоққа қоғоз тикмасанг
Қутулиб бўлмас ҳанг — даранг вокаллар?!

Қани у — ичмасани хизмати миннат
«Афисант» маст бўлсанг шилган пулингни?!
Қани у — битлики давангир келбат
Садақа сўраган тўсиб йўлингни?!...»

Шарпа олға юрар:

— Ана қадрдон —

Ўзбекнинг биринчи ўз театри.

Номи — Беҳбудиймас, Ҳамид Олимжон!

Орзуми — бахт, шодлик бўлган ҳар сатри.

Билишар Ватанда оққанда қон, ёш —

Қўксини кўзгудай тутган бу даргоҳ.

Неча эркпарастни қилганча сирдош

Ҳурриятга чорлаб ўтган бу даргоҳ.

Беҳбудий, Чўлпонлар ҳамёнларидан

Ҳар ойлик маошин олган бу даргоҳ.

Зобитни фош этиб, кечиб жонлардан

Не-не азобларда қолган бу даргоҳ...

Сўнг... масжид, черков-ла рақобат қилиб

Ғоявий ёлгонлар тутган бу даргоҳ.

Кўксига бир парча темирни илиб,

Янги-янги нишон кутган бу даргоҳ —

Бугун хасак тутдай тўкилиб ётар!..

Суянсанг девори қулаши тайин.

Томига қушлар-да қўнишдан қўрқар,

Нураб бораётир кун ўтган сайин!

У — нураб бормоқда!..

Минбарда лектор

Аюҳаннос солар:

— «Кучаймоқда дин!!!»

У — нураб бормоқда,

кимлар-актёр!

У нураб бормоқда,

ким — томошабин!!»

Шарпа чиқиб кетар хавfli саҳнадан,

Руҳида ғалаён — ўтганлар ёди.

Ана, эшитилар қай бир панадан

Сўнгги таржимаси: «Қакку фарёди!»¹

Шаффоф юзларида — шаффор ёш,

Борар —

Улуғ Турсуновнинг кўчаси томон,

Уни кўришолмас, у эса кўрар:

«— Бу-кўп яхши одам, буниси — ёмон!»

Мана, қаршисида чўзинчоқ бино

Серзарда рус кампир урчуқ йиғирар.

Одати — ким салом берса мабодо

Тўхтатиб, албатта

«— Пропуск!» — сўрар.

Бунданку, саломсиз қутулмоқ мумкин,

Сал башангроқ бўлсанг, очмасанг қовоқ..

«— Тошкентда бу одат қайдин чиқдийкин,

Редакцияларга қани кириб боқ..»

Кимнидир танисанг,

Телефон қилсанг,

¹ — Анаголий Қим асару.

Узида бўлсаю,
Таниса сени,
Ҳам қабул қилолса,
Қоғоз ёздирсанг,
Ҳужжатинг бор бўлса —
бахтинг кулгани!..

Иўқ эса...
Додингни самоларга айт!
Ва асфалт ерга айт, етмаса бу ҳам!
Сен ётоқ излама,
Тўрткўлиннга қайт,
Ранжида ёшуллим,
Заҳматкаш чечам!..

Кимдан бу истехком?
Кимдан бу парҳез?!
Ким учун аслида бу улуғ минбар?!
Мени қийнаётган жумбоққа бу кез
Эй, онажон Ватан ўзинг бер хабар...

«Пост номер — 1»-дерлар
Суронли дамлар
Радио жойланган бинони ҳар дам.
Лекин Самарқандда радиочилар
Аҳволини кўриб ачинар одам.

Баланд магазинлар қаторасинда
Энг пачақ бир бино — «теле-радио.»
(Сенга ҳам, бир бино шеър орасинда
Гилаб ўтдим бугун, кел-э радио...)

...Ҳар битта зинада бир пас тин олиб,
Шарпа чиқиб борар «Ленин йўли»га²
Бир пайтлар шеърлари бунда товланиб,
Илҳом фариштаси тутмиш қўлидан.

Унга кўп қадрдон ҳар битта хона
Ва ҳар бир хонада ўтиргучи зот.
Хоналарин бир-бир кезиб хуфёна
Излаб келганини топмади, ҳайҳот!

У — излаб келганди:

— «Кўп узоқ йиллар

Кутмишим — адабий, воҳа журнали»,

У — излаб келганди:

«— Кўп асал тиллар

Ваъдалар берганин —

бугун кўргали.»

Кўргали келганди:

«—Йиллардан буён

Айтилиб келинган нашриётни ҳам

Кўрармикинман? — деб келганди бул ён

Воҳа шоирларин барин жамул-жам...»

У — билар:

«— Қанчалар шоирлар сарсон

Кезинар Тошкентнинг кўчаларида.

² — С. Орипов узоқ йиллар ишлаган *Область газетасининг номи.*

Отасин туш кўрар болалар гирён,
Туш кўрар —
Самарқанд кечаларида...
Азалдан шоирлар днёри бўлган
Волидам — Самарқанд

кўзларингни оч!

Сен охир
Замонда толей кулган,
Ҳар битта жабҳада тополган ривож!
Сен ахир,
Улуғлик рамзисан мутлоқ.
Тавофга келишар етти иқлимдан.
Сен ахир...
Сен ахир...
Бўй — бастингга боқ!..
Сен — олим,

санъаткор,

меъмор қадимдан!

Сен мендан не қолди,
Билармисан, айт?!
Эҳ-ҳ!
Китоб бўлмаган қанча қўлёзма..
Бу-сенга мероску—ҳар сатру ҳар байт
Пигмишим—умримнинг баҳор-ёзина..
Не мерос—ул Воҳид Абдуллодан ҳам?!
У ахир, аллома ҳам шоир эди!
Не улуғ шоирлар бўлишганда жам,
Бадиҳа айтишда кўп моҳир эди.
Не ёдгор—аллома Улуғ Турсундан?!
Утган ул армонлар саноғи беҳад!

Кеча кутганларга умид бугундан,
Бугун ким кутмоқда —
Эрта бесарҳад!..
..Йиллар ўтган сайин номлар ўзгарар
Ношир вақт таҳрирлар асил байтларни,
Шоир укаларим, номи безарар.
Солиштиргайсизда сиз бу пайтларни.
Билгайсиз, шоирга қанчалар қийин
Бир оғиз ҳақ гапини Сизга етказмоқ.
Мени-да—гам еди дам ўтган сайини.
Мени-да исташар жим-жит кетказмоқ.
Мени-да..

Сизни-да..

Зўр укаларим!

Етти йилдан кейин тушди бу ямоқ.
Энди, Жамол Турсун бир ўзи нетар?
Шоирлар кечаги кундан-да кўпроқ..

Булар бир гулшанким, кўрмасин хазон,
Ҳар бири бир Жаҳон, мағрур сарбаланд !
Қайта қур!
Жаддаллаш!
«Етишди Замон!»⁴
Буларни тилакка етказ — САМАРҚАНД!..»

...Гавжум коридордан садосиз, сассиз,
Ортига қайтади бу мусаффо жон.
Ҳавога қўшилиб кетади изсиз...
Қампир ўз урчуғин йигирар ҳамон...
...Бир шарпа кезинар Самарқанд бўйлаб?
Бу мусаффо шарпа бир «оҳ!» рангида...

Мен —
Ҳар неки ёздим,
Ушани ўйлаб,
Унинг —
 услужю,
Шеър оҳангида...

1987.

⁴ — Вилоят рўзномаси адабиёт бўлими мудири.
³ — Ҳ. Ҳ. Ниёзий сатри.

ТҮРТЛИКЛАР

Наҳанг бўлмоқ бўлсанг чавогим агар,
Наҳанглар қавмидан бўлгил бохабар!
Толеинг ёр бўлиб, наҳанг бўлолсанг
Ўзинг чавоқларга еткурма зарар!

* * *

Асли наслин ҳар ким турфа дейди бу элни
Ен қўшниси жайрон, оху сайди бу элни,
Шоир қалбинг очайверма, бўлгил эҳтиёт
Қўрқоқлари ботирларин ейди бу элни.

Укам «Баҳодир танбур»га

Сени менга худо берган—Ҳорунли ул Мўсодек,
Ҳар нафасинг жон-жонларга ўшал дами Исодек.
Бир хавотир кезар дилда тинглаб куй, қўшиқ сасин
Мутриб укам ёмон кўздан Сени худо асрасин!

Муртазо Тожизодага

Сизни кўриб шукр қилгум, фидолари бор элнинг,
Матрифатнинг водийсида адолари бор элнинг.
Кўришганда лутфдан бўлак моддий кўмал беролмас,
Фақир янглиг, шеърятнинг ғадолари бор элнинг.

ИБОДУЛЛОНИНГ ДАЛДАСИ

Саҳнада гоҳ кимдир унга,
Гоҳ у кимга ўқ отди...
Бошқаларни ўйнайвериб
Ўзлигини йўқотди.

Энди унга фарқсиз ўзи —
ҳақми, ноҳақ шу нафас.
Катталарга ўз гапини
маъқуллатиб олса бас.

Ноҳақлигин айтар бўлсанг
тинч қўймас у барибир.
У гоҳ Яго бўла олар,
гоҳо Ёсуман кампир.

Керак бўлса у Жулетта
кўрсатолгай ўзини.
Отеллодай ҳаяжон-ла
айта олар сўзини.

Бўхтон чаплаб, қасамни ҳам
дарё-дарё ичади.
Сал манфаат кўрар бўлса
хотинидан кечади.

Виждон дейсан, эй шоир-эй,
унда виждон не қилсин?!
Баҳслашма, қўй, ноумидга,
Худо ўзи бас келсин.

1987.

ОЧ АРВОҲ

Оч арвоҳ деб эшитгандим,
Зим-зиё тунлар
Харобазор мозорларда бўзлаб чиқармиш.
Якка-ёрти йўловчилар ўтиб қолсалар
Йиғлаб-сиқтаб эргашармиш,
Қочса — қувармиш.
Еш болача келбатлари,
Соч-соқол ўсиқ.
Қип-яланғоч баданлари маймунга монанд.
Сакраб — сакраб қувар эмиш,
Чангалзор тўсиқ
Писандмасмиш,
Етар эмиш, қочмагин ҳар чанд.
Отлиқ бўлсанг, югрук оддан илдам чопармиш.
«Инга»лармиш гўдаклардай илтижо қилиб,
Яёв бўлсанг,
Йиғлаб — сиқтаб ачом қилармиш.
Қўрқсанг агар
ўлармишсан,
ўтинг ёрилиб!..
Отам айтар:
«— Қутқу солди бири қишлоққа.
Ким отадан,
Ким эридан қолди айрилиб...
Уйигача етган имлаб
қабристон ёққа,
Кўз юмишди кўргулигин зўрга айтишиб.
Оқшомлари
ташқарига чиқишдан қўрқиб,

Шом тушмасдан
гамимизни еб қўяр эдик,
Биз-ку бола,
у пайт ҳатто катталар чўчиб
юришарди,
кўзларда ваҳм,
сўзларда ҳадик.
Бузрукворим қулоқ бўлган катта уламо.
«Мадрасаи Улугбек»да мударрис бўлган,
Сўзлардилар худойи кун:
«— Бу бир оч арвоҳ,
қасосли руҳ,
бу фанода армонли ўлган.
Зурриётсиз ўтган балки, чироқчиси йўқ,
Бу дунёвий ўта муҳим қай иши қолган,
Кай замондир қилч ёки, заҳар ёки, ўқ
Жон гулини тупроқ тандан ногаҳон узган,
Давосидир —
Қуръон. ўқиб, ҳақиға дуо —
қилиш, ҳамда,
ўпирилган гўрларни ёпиш...»
Қишлоқ аҳли шундай қилгач,
ажаб, оч арвоҳ
ҳақида сўнг эшитмадик.
Булар бўлган иш...»
Валинеъмат айтган ушбу сирли мавжудот
Сўнгги вақтлар хаёлимда тез-тез жонланар.
Соч-соқоли ўсиқ,
гўдак келбат,
солиб дод
«...инга-а» лайди илтижо-ла,

Кўздан хоб қочар,
Ким бўлди бу?!
Билганларим эслайман бир-бир.
Қайси марҳум?
Аросатда қийналган қай жон?!
Кўз олдимга келар неча армонли шоир,
Менга аён улардаги турфа хил армон.
Авазми бу, «Халқ» деб бўзлаб,
ётиб зиндонда,
«Телба» дея ном орттирган,
кишанбанд бўлган?!
Фурқатми ё,
«Ўт туташди, оламга» дея
Қаттол зобит амри била фурқатда ўлган?!
Муқимийми, Завқийми ё, Рожий, Умидий?
Дукчи эшон ҳақида ҳажв битиб пушаймон?!
Фитратми бул, Чўлпонми ё, Қодирий, Усмон?
Ё алардек ўтган неча шаҳиди замон?!
Усмон Носир дўсти эди
Мадамин Даврон!
Уруш чоғи яраланди,
асирда бўлди.
Концлагерда кўрмаганин
Сибрда кўриб,
Сўнг қирқ беш йил ижод этди,
армон-ла ўлди!
Урушгача машҳур эди
Мадамин Даврон!
Урушдан сўнг кўп хўрлашди,
Обдон эзишди!
Қирқ беш йил у ижод қилди!

Газет, журналлар
чоп этмади,
Ноширлар ҳам келишган каби!
Икки йилча бирга яшаб
пону-туз бўлдим,
Кекса шоир армонлари — паришон ҳолим...
Бу ўшадир!..
Йўқ-йўқ, балки бу эртам маним.
Ўз-ўзимга кўринмоқда эртанги қолим.
Китобларим ўн йиллардир нашриётларда
Чоп этилиш кунин кутиб,
чанг ютиб ётар.
Меҳнатларим маҳсулини кўрмай ҳаётда
Ўтар бўлсам маҳшаргача бу армон етар!
Қўрқаманки,
эрта бир тун
қайси бир ношир
Қаршиндан чиқиб келсам хилватгоҳ аро
Юз беражак қутқу учун бугуноқ кечир,
Деёлмасам:
«Жамол эдим, этднинг оч арвоҳ!»
Деёлмасам:
«Ҳар гал келсам сохта жилмайдинг.
Нашриётинг остонасин охурча қилдим.
Шариф Нурхон,
Суръат Ориф,
Сирожийлардек
Ўз китобим кўра олмай
армон-ла ўлдим!
Мен ўшаман,
яна келдим,

китобим кўрсат!


Тирикликда чиқарсайдинг қочиб толмасдинг!

Токи демай, келажакда,

етиб, ачомлаб:

«Эҳ ўшандан чиқарсайдинг ўлиб қолмасдинг!..»

1988.



ШЕЪРИЯТ ДОДЛАР

Бозор иқтисоди даврига келиб бурунлари шеъриятга таҳқир назари билан қараб юрган зотлар ҳам «ўз ҳисоблари»дан шаклан шеърий китоблар чиқариб пул ишлаш пайига тушдилар.

Е маним ишиммас бугун ноширлик,
Ехуд замонада мезон ўзгарди.
Чилангар мубошир сенга заргарлик,
Гўё беш намозу, азон ўзгарди.

Севгилим шеърият, эй, бокира қиз!
Сен-да баднафсларнинг илкида асир.
Юзларинг ғозадин этганча қирмиз
Қўшмачи бу ношир зўрлатар ҳозир!

Мен Сени, кўз очиб, Мажнунвор севиб
На қучиб, на ўпиб, силаганим бор.
Мен борар кўчадин келаринг кўриб
Бўлак кўчаларга кетдим телбавор.

Токи ёрилмасин кўксимда юрак,
Токи йиқилмайин етиб пойингга.
Бошқа бир ерларда ўлмоғим керак,
Ваҳм деви кирмасин ҳақли жойингга.

Ҳурмуз¹ дай кўзимни куйдирмай юзинг
Ё юзим тафтидан кўзинг куймасдан,
Мен бўлак кўчага кетганман ўзим,
Ўликми — тирикман, ҳолим билмасдан.

¹ ҲУРМУЗ — Эрон шоҳи. Хусрав Парвезнинг отаси.
Оташгоҳда кўзлари куйдирилган.

Мақтаб йўлагиди катта тош ойна
Орқали ўғринча кўрганман сени.
Ҳовлида сўридан термилиб ойга
Тилло юзларингдан сўрганман сени.

Сўнг тишлаб қонатиб гуноҳкор лабим
Қамар доғларини йиғлаб артганман.
Шу қон билан битиб Сенга матлабим
Қамар ботар пайти хатим йиртганман.

Токи менинг дардим Сенга юқмасин,
Токи яшайвергил шўху-шаддод, пок.
Сен ўтган кўчадан пайкаринг исин
Мина изловчидай излайман бебок.

Фарқимиз: Мен топган замон портлайман,
У топган заҳоти зарарсиз этар.
Мен осмон — фалакка чиқиб кетгайман
Портловга гулингнинг гул барги етар!..

Мен Сени шунчалар севиб, севгилим,
Шу хоин зотларга хор этаманму?!
Саводсиз олиму, сохта шоирга
Қисматинг топшириб зор этаманму?!

Иўқ!..

Мунгли бинафшам,
эй, гамгин гулим,
Мен Сени буларга қолдиrolмасман!
Токи бор тарози — шу ҳақли дилим
Ясама гулларни «гул» деёлмасман!

Турибман бозоринг растаси аро
Қассоб тарозилар ичра қасдма-қасд.
Менда «беш юз грамм» сизнинг «бир кило»!
«Буни мис дегайлар!
Йўқ, олтин эмас!»

Ахир бу шеърят!
Пул топиш учун
Бошқа касбу-ҳунар биздаку сероб!
Гўё жанггоҳдаман, ҳамма ёғим хуп.
Дилим яраланган, вужудим хароб.

Бу шундай жанггоҳқи, минг бир бошли нафс —
аждари ўз қавмин менга гизлайди.
О, жоним, — Шеърят!
О, ўтли нафас!
Кечиргил, кўшқингдан кетсам бўлмайди!

Буларни биламан:
Манави — ҳасад!
Насимий пўсту-гўшт бўлганда кулган.
Буниси — Машрабни «кофир» деб атаб
Эртаси хат ёзган «Чулпан — мусульман!»

Абдулла Орифнинг илҳом парисин
йўлда тунаганлар мана шулардир!
Таниб қўй буларнинг ёшу-қарисин
Пайт топса онасин пулга сотадир!

Биргина Сен қолдинг исёнкор Гулим!
Зобит ташнёлмас буюк Обидам.
Сени-да сотишни исташар, дилим!
Сени-да қилмоқчи бўлурлар маҳрам!

Токи «Шеър» деганда қўҳна Шарқлик мард
«Иславот¹» дегандай энсаси қотсин.
Токи туғилсада Мўсо, Муҳаммад
Юрт парво қилмасин!
Қулликда ётсин!..

Токи куйса куйсин шу қўҳна дунё
Булар ўз нафсига сармоя топсин!
Бу йўлда гар Жамол бўлса норизо,
Қориндош, мақсаддош, ҳимоя топсин.

Чиқарсин китобин «фало-он» нарх қўйиб,
Пулласин зуғумлаб талабаларга.
Шеърнию, соқчини кўзларин ўйиб
Эришса бас шахсий ғалабаларга...

Ё маним ишиммас бугун ноширлик,
Ёки булар бари адашган зотлар.
Кетмасам фурсат йўқ бир бош қаширлик,
Кетсам бунда қолган Шеърният доллар!..

1991.

¹ ИСЛАВОТ — Фоҳишахона. Слабооки.

МУҲАММАД ИҚБОЛ ТАЪНАСИ

Ен қўшнига бир қарич
Ери ўтиб қолсами,
Бир — бирига мушт тўлғаб,
Бир — бирини сўйган эл;
Ёхуд биров боғидан
Бир боғ хасин олсами —
Қўлларини кесган эл,
Қўзларини ўйган эл;
Во ажабким бир бутун
Мамлакатдан айрилиб,
Гайриларга қул бўлиб
Ётса-да чиқмас дами!
Не — не жасур фарзандин
Ёв сўйса, тиг қайрашиб
Жаллодига тутгучи
Эҳ!!
Сенлар ҳам одамми?!!

1983.

ҚҰРИҚЧИ

Бошоғини қанча вагонлар,
Машоғини бунда қоғонлар,
Ушоғини қурт, қумусқа, қуш,
Сомонини хару, хўр, фуруш,
Ялқаб-юлқаб кетган далада
Тешик, пачоқ челак каллада,
Хоч танида увада чопон
Сўппайганча —
қўриқчи ҳамон
турибди.

1991,



ШАҲАР КЕЛАР БОСТИРИБ

Фашистча «хайл» дегандай
Қўл кўтариб крапслар,
Шовқин солиб автолар,
Турфа даранг-даранглар,
Соч ўстириб эркагу,
Сочин қирқиб сатанглар
Шаҳар келар бостириб,
Шаҳар келар бостириб.

Қочар қишлоқ болакай
Чанг тўзонга қорилиб,
Оёқлари сарпойчан,
Товонлари ёрилиб.
Не-не муқаддас жойлар
Кули кўкка соврилиб
Шаҳар келар бостириб,
Шаҳар келар бостириб.

Қайда қолди олмазор,
Шафтолизор боғларим,
Қайда саъва булбулим,
Қайда ҳатто зоғларим,
Қайда митти изларим,
Ва серҳайрат чоғларим
Шаҳар келар бостириб,
Шаҳар келар бостириб.

Сен бу бадбин ўйларни
Бошингдан ҳайда қўшним,

Орзулари гапидек
Мунчалар майда қўшним,
Уч кун бурун йўқолган
Қизгинанг қайда қўшним?
Шаҳар келар бостириб,
Шаҳар келар бостириб.

Ғалвир кўзли, баҳайбат
Келар саф-саф бинолар,
Эл кўзида ўпичлар,
Нопок-нопок кинолар,
Ойнаванд дўконларда
Бут, санамдай винолар,
Шаҳар келар бостириб,
Шаҳар келар бостириб.

Тоғдамисан, саҳрода,
Муъжаз қишлоқ бор бўлгил,
Майли илиқ сувгаю,
Майли газга зор бўлгил,
Эй боладай қишлоқи
Кўнгил хабардор бўлгил —
Шаҳар келар бостириб,
Шаҳар келар бостириб.

1983.

МУРОСА ҲАҚИДА ҚУШИҚ

Тор кўнгилли беклар кенглик қилинг.

(Турди Фароғий)

Замин — осмон билан, баҳор — ёз билан,
Лочин — бургут билан, ўрдак — ғоз билан,
Юз — пардоз билану, кўплик — оз билан
Мурассо қилайлик, мурассо.

Тўлқин—қирғоқ билан, сел-қишлоқ билан,
Тулки — қарға билан ҳам пишлоқ билан,
Бурун — қулоқ билан, кўз — қобоқ билан —
Мурассо қилайлик, мурассо.

Сен десанг: — «Мен ҳақман, айтганим қонун!»
Менга ҳам ёқмаса бўлмоқлик забун!
Сенда қайноқ қонлик менда ҳам шу хун,
Мурассо қилайлик, мурассо.

Кўрдик, ҳамжиҳатлик зафарлар қучар.
Рўзгор нотинч бўлса барака учар.
Қай аъзо оғриқсиз бадандан кўчар?
Мурассо қилайлик, мурассо.

Шу замин сенга ҳам, менга ҳам етар.
Озгина кенг феъллик айласанг нетар?
Юзимни ёндирма, нигоҳинг кўтар
Мурассо қилайлик, мурассо.

Кел пайкал бошида қурайлик суҳбат.
Азалдан закийсан, разм сол, кузат...

Менга ҳам бир отим носингдан узат.
Мураcco қилайлик, мураcco.

Не-не ганимларни даф этдик ҳамдам,
Сенга қутқу солар учинчи одам,
Сеники, меники шу қўҳна Ажам
Мураcco қилайлик, мураcco.

Замин порох тўла бочкага қиёс,
Ут-олов пуркамоқ — жаҳолатга хос.
Мен-ку ўзни тутдим, сен ҳам ўзни бос.
Мураcco қилайлик, мураcco.

Жануб — Шимол билан, Шарқ ҳам — Ғарб билан,
Уруш — тинчлик билан, Сулҳлар — ҳарб билан,
Оғриқ — зарб билан-у, сўзлар ҳарф билан,
Мураcco қилайлик, мураcco.

Тиллар — тил билан-у, кўзлар — кўз билан,
Диллар — дил билан-у, сўзлар — сўз билан.
Бегона-ку, майли. ўзлар — ўз билан —
Мураcco қилайлик, мураcco!
Мураcco қилайлик, мураcco!..

1987.

* * *

«Агар Абдулла Қодирийнинг «Ўтган кунлар» романидаги Отабек-Ҳомидбой, Содиқ, Муталларни бугунги кунда асардагидек қасттан пичоқлаб ўлдирганида эди ўн беш йилга озодликдан маҳрум этиларди. Еки олий жазога ҳукм қилинарди».

(Ҳуқуқшунос дўстларимнинг УЗАРО СУҲБАТЛАРИ-
ДАН)

Яхши ҳамки Отабеклар-мозийда ўтган,
Яхши ҳамки у бизларнинг замондош эмас.
Илмайкин қилган бўлса, қилгану — кетган.
Бугун уни ҳеч бир кимса таъқиб этолмас.

Яхши ҳамки у бизларнинг укамиз ёки,
Акамиз ё фарзандимиз эмас, яхши ҳам,
Бизлар уни қаргаб, сўкиб, мўлтираб токи —
Тергов ишлар тугагунча чекмаяпмиз ҳам.

Ичимизни кемирмайди каламуш янглиғ
Унинг аянч тақдирига бўлган хавотир.
Бедорликка маҳкум этмас бизни дилтанглик,
Яхши ҳамки беҳавотир тонг отаётир.

Бизлар бу тонг нонушгани ҳатто унутиб
Ошиқмаймиз Отабекнинг суд мажлисига,
Қуламаймиз ҳушдан кетиб, қон-зардоб ютиб,
Титрамаймиз уни кўриб қора курсанда.

Яхши ҳамки қонуеннинг чин ҳимоячиси
«Ҳомидбойга ошна» бўлиб туюлмас бизга,
Қораловчи таклиф этган «ўлим жазоси»
Манзур бўлмас ҳаммагаю, жумладан сизга.

Яхши ҳамки зор-зор йиғлаб Юсуфбек ҳожи
Ҳакамларга шафқат тилаб узатмас пора.
Яхши ҳамки Юсуфбекмас отам Сирожий
Бу ғурбатдан ўлар эди шаксиз бечора.

Яхши ҳамки Отабек йўқ!
Уни ўтмишга
Кўра-била ташлаб келган Қодирий устод.
Яхши ҳамки даҳлимиз йўқ бизни бу «иш»га
Мозий ўтган.
Занчалишроқ бу бизнинг ҳаёт.

1981.



АЛЪОМОН

Фахриямдур масканим ҳур Ўзбекистоним менинг,
Неча аждод орзу этган давру-давроним менинг,
Навқиронман, завқу-шавқ-ла куйламоқ оним менинг,
Гоҳида лек битта «оҳ»-ла чиққудай жоним менинг,
Тобакай ғозий, шаҳид бўлғай мусулмоним менинг?!

Тобакай ханжар урар Рустам ўзин Сўҳробига?
Тобакай қону-қасос киргай мусулмон хобига?
Бош уриб этгум нидо мен Ал Бухор меҳробига:
Бўлмагил хунрез Ироқим, қирма Эроним менинг!
Тобакай ғозий, шаҳид бўлғай мусулмоним менинг?!

Кимки одам душманидир, ул сира одам эмас!
Кимники инсофи йўқ, қодир худо бандам демас!
Оҳ, наҳот қуръон ёниб, ислом сўзи топса абас?!
Бир тарафда дудланиб ёнмоқда Лубноним менинг,
Тобакай ғозий, шаҳид бўлғай мусулмоним менинг?!

Лаҳзалик оҳу-фигон-ла кулбалар ерга қулар!
Тобакай фарзанд стиму, завжалар бева қолар?!
Қоршу рафторнинг кўруб дўст йиғлару, ёвлар кулар,
Устина боз бир — бирини сўйса Афгоним менинг,
Тобакай ғозий, шаҳид бўлғай мусулмоним менинг?!

Битта чўғ бирла жаҳон куйгай, жаҳона альёмон!
Ўзи олсин берганин ҳар битта жона альёмон-!
Етдику ханжар дами то устихона альёмон!
Альёмон ваҳй нидо тингла ҳамиймоним менинг,
Тобакай ғозий, шаҳид бўлғай мусулмоним менинг?!

1981.

ТАЪРИХ ВАРАҚЛАРИ — КЕЧ ҚУЗ ХАЗОНИ

СОЧИЛДИ. Қор босди хотираларни.
Тинди бурғулару сўфи азони,
Сўйишди Нодиру Нодираларни.

Олдинда ё шафақ ва ёки ғуруб,
Ботганда, отганда оқибат аён.
Қўлда шаъм биз оёқ остини кўриб
Боряпмиз қўнғиртоб уфққа томон.

Тарих деб аташган бу зулмат аро
Тиккайган ҳар вақо қутқу солажак.
Қим дер: «дев ё жин бу!», ким дер: — «аждаҳо!!»
Кечир биз гумроҳни ёруғ келажак.

Хизр-да йўлиқса йўлда қўрқувдан
Оломон тош бўрон қилмоғи аниқ.
Қай мард даъват қилса чалиб бурғудан
Ўқиргандай бўлар шер ёки айиқ.

О, қўрқув!! Мен сени нима деб атай?!
Дўстни-да душманга менгзатиб қўйдинг!
Кабутар ишқни-да қувдинг қарғадай.
Тун кўрар. кўзларга нил суқдинг, ўйдинг!

Бир хачир ортида сонсиз туядек
Лўкиллаб, дўкиллаб умр ўтажак.
Тарихни хўп сўкдик онгсиз туядек
Сен ҳам қўйма бизни!
Сўк-эй келажак!

Биз шунга лойиқмиз!
Шу жазойимиз!!
Одаммизми биз ҳам?!
Сонсиз ҳашарот!!!
Қолмади на юлдуз, ва на ойнмиз.
Булгадик сув, ҳаво, тупроқни ҳайҳот!

Нафсимиз қуритди денгиз, кўлларни,
Тоғларни ямлади нафс отлиғ аждар,
Суяклар безади бизнинг йўлларни
Сепдик худо халқи устидан заҳар!

Ушал лўлилар биз, чиққан зўримиз
Каппамиз куйдириб айлайди барбод.
Улсак ҳар янги зўр тепар гўримиз
Авлоддан авлодга мерос дод-фарёд!

На адлу, на инсоф, ва на диёнат!
Юз кўзда азозил макрию таъма!
Эр-хотин бир-бирга қилар хиёнат
Поклик — Орол! Қумда оила кема!

Бир зиндон на чиқиб, на кириб бўлар!
Мисли улуғ Айний ётган обхона!
Яна ўрис газет мағзава тўкар
Гуё: яшармишмиз бизлар шоҳона?!!!

Ҳар битта вилоят Гулханий айтган
Бойўгли қизининг сепидан ортар.
Матмусалар боис чаппа айланган
Бу чархфалак қачон аслига қайтар?!

Бугун жумҳурият зангори экран
Олдида узаниб ётибди бемор.
Кўзлари ёшланар зўриққанидан,
Дард оғир! Ожиздир руҳий шифокор.

Дард оғир!
Зирқираб кетади юрак.
Кўзимга зар симлар суқа бошлар шаъм.
Наздимда қўш оёқ осмонда терак,
Зах босган кулбада яшовчи Чоршаъм.

Эй дўсти азизим, эй биродарим!
Уйсиз шоирларнинг пушту-паноҳи,
Кулбаганда ёзилди кўплаб шеърларим
Ҳақ йўлини собири, ахийлар шоҳи.

Аксириб, йўталиб, далдалар берган
Шифобахш сўзларинг соғиниб келдим.
Тошкентда юз берган ё бўлаётган
Гаплардан гапир эй, азизим, дўстим.

Мен эсам жимгина, кўзларим юмиб
Бошим тебратганча қулоқ солурман.
Улуғвор руҳингга руҳим юкиниб,
Дардингдан дардинга шифо олурман.

Тарих нарағлари,
Баҳор нафаси
Яшнатар, барглатар хотираларни,
Янграб бурғу
Яна азонлар саси
Уйғотар — Нодиру Нодираларни...

ЭСИЗ

Юзлар-ёноқ бўлибди билмай қолибмиз эсиз.
Лаблар — дудоқ бўлибди билмай қолибмиз эсиз,

Чиллик-чиллик қўлчалар аролари тўлишиб
Армон қучоқ бўлибди билмай қолибмиз эсиз.

Тенгдош эдик ишимиз ўйин-кулги, ҳашарлар,
Сўнгсиз сабоқ бўлибди билмай қолибмиз эсиз.

Чайлада ғофил қопмиз қовун хўп етилибди,
Бўю думоқ бўлибди билмай қолибмиз эсиз,

Биз томонга эсада шаббодалар хўп майин
Ғайри иноқ бўлибди билмай қолибмиз эсиз.

Келиб аролаб бир-бир мактабимиз пайколин
Сани узмоқ бўлибди билмай қолибмиз эсиз.

Келди, узди рақибим палак каби жон жойим!
Умрим тўлғоқ бўлибди билмай қолибмиз эсиз.

Мадад тилабсану сан ғофил, беҳуш қолибман
Ишлар чатоқ бўлибди билмай қолибмиз эсиз!

Сўлди-ю, қавжиради кузак келиб япроғим
Дил-л-эй, япроғ бўлибди, билмай қолибмиз эсиз.

Ёноқли-ю, дудоқлим қайда санинг маконинг
Умрим сўроқ бўлибди, билмай қолибмиз эсиз.

МЕРОС ТАҚСИМЛАШ

(Мавлоно Абдурахмон Мушфиқидан)

Ука харжлаб кўмгин бобо саники,
Сабр мандин, бори ғавғо саники,
Омбордаги барча ғалло маники,
Сомонлари қолган саҳро саники,
Танбур, тирноқ, дутор, сато маники,
Нағмалари — данг-даранго саники,
Бобо ўлган бу жой билло маники,
Таҳорату, ғуслу, дуо саники,
Тўну, белбоғ, либос, салло маники,
Бетоқатлик, оҳ — вовайло саники,
Қозон, капкир иншоолло маники,
Учоқ кули наузамбилло саники,
Ҳамён тўла танга-тилло маники,
Жиринг-жиринг товуш ол-ҳо саники,
Гилам, кигиз, шолу-шолчо маники,
Ол-е, укам! Нақши буйро саники,
Ҳовли сатҳи — томгача то маники,
Том ортидан то сурайё саники,

Д У О

(келиним Гулжаҳонга)

Бу кеч бу хонадонга бизни йўллаб аввало,
То тонггача кўзларга уйқуни кўрмай раво,
Тағин ўз қудратидан ногоҳ айлаган огоҳ
Сени Аллоҳ қўлласин-эй, сени Аллоҳ қўлласин.

То фарзанд туғилгунча модар бўлгай рамақжон,
Дунёга дунё келгай туғилганда ҳар инсон.
Мададкоринг бўлсин ул қўш фариштанг, қирқ чилтанг,
Сени Аллоҳ қўлласин-эй, сени Аллоҳ қўлласин.

Умматим деб Муҳаммад саллолоҳу-васаллам,
Илкинги тутсин мададкор хўжа Хизр, Илёс ҳам.
Ўзи берсин куч-қудрат, дардингга айлаб маҳкам
Сени Аллоҳ қўлласин-эй, сени Аллоҳ қўлласин.

Момо Ҳаво қизларин қисмати азал-охир
Шулдир,
Паланг йилинда келгай яна бир Бабир.
Узоқ этсин-эй умрин қизми ул ё баҳодир,
Сени Аллоҳ қўлласин-эй, сени Аллоҳ қўлласин.

1986.

ХУФТОН АДОҒИДА

Мен хижилдурман борурга сизга эй аҳли қубур
Уйнасун авлоди Одам, бунда топсин деб ҳузур
Айладик гулшанни саҳро, бўлди гирбодлар зуҳур
Қайда соя, бори нур, бошдин аёғимиз куюр,
Соямиздай Қаъбамиз Мағрибу дам Машриқ эрур.

Алдади зобит ки бизни моядор бўлди қулоқ,
Неча муллои табаррук ғоядор бўлди қулоқ.
Гулшани боғ ила роғи соядор бўлди қулоқ,
Қайда соя бори нур, бошдин — аёғимиз куюр,
Соямиздай қибламиз Мағрибу гоҳ Машриқ эрур.

Олдилар илм аҳли бошин чун жўхори сўтадек,
Йиғлади карвонидин айрў нечалар бўтадек.
Қолмади белимда белбоғим паранжи, пўтадек.
Бўлмади ҳатто тилим ҳур, оҳ ила полам куюр
Соямиз қайға оғур ҳам саждамиз анда ётур.

Қайда бош — макка сочиқ ўртоқу, рафиқ ҳаммамиз.
«Зинда бод, йўқсил!» — дедик, бўлдик
мувофиқ ҳаммамиз.

Гоҳи «йўқ», гоҳ «бор» дедик, бўлдик
мунофиқ ҳаммамиз,

Ҳақпараст ҳуд-ҳуд, туюр, улкан қафас ичра ётур
Соямиз, сажжодамиздир кунга терс ёққа оғур.

Кечаги айғоқчи, миршаб воҳ бугун мулло эрур.
Пенсияда шапкаси-ю, бошида салло эрур.
«Лаълихон» энди бекалша, отини «Лайло» эрур.

Тўйда жилвони тугабдур, азадорларни шилур,
Кечаги ул киссавур элга баковуллик қилур.

Қассоби ҳам пулу ҳам тошу-тарозидин урар.
Тожири маймоқ-майиб, калта дарозидин урар.
Қозиси — даъвогару, рози, норозидин урар,
Мулки шайтон бўлди Тур, эл бир-бирини алдашур
Зобити уч туз ясар картамга чиққанда кузур.

Юз йигирма йилча бўлди қулки биз қўлда кишан!
Сўнг кишан андоғки қисди тилда-ю, дилда кишан,
Урфу — одату маросим, хулқ ила феълда кишан.
Бул кишан синмасмудурким маъдани недин эрур
Аслида недин эмасдур, аслида бедин эрур!

Ман хижиллик истамам Сизга кишан бирла боруб,
Қуллуғимга туҳфа ул турфа нишон бирла боруб.
Шод ўлай ёр ўл фалак озоду шан бирла боруб,
Бу дуонинг оташидин муйи лаб, киприк куюр
Ноумид этма фалакким, ноумид шайтон эрур.

1988,

САБОҲАТНИНГ НИДОСИ

Ешман ҳали бешга қадам қўйганиммас онажон,
Ҳали сеинг дийдорингга тўйганиммас онажон.
Тобуткашлар яҳтакларни қоқиб чиқди мозордан
Қалбимдасан устингга хок уйганиммас онажон.

Йиллар ўтди гоҳо баҳор, гоҳо ёзу, куз бўлиб,
Қалбим қишки қалдирғочнинг уясидай бўш вайрон.
Кўнглим доғли рақс тушсам-да, баъзан

эркак кийиниб,
Отам хотин изласалар сени сўрдим онажон.

Кел қалбимнинг бўшлиғини онам қайта тўлдиргин.
Маъюс ўйчан кўзларимга севинч бахш эт, кулдиргин.
Совчи келса қўшни хотин чиқиб қилгай мулоқот,
Кел, «етиммас қизим» дея онамнинг билдиргин.

Лоақал кел, отамга айт менинг қалбим англасин,
Дил англамас, ҳуснпараст, тўнкаларга бермасин.
Бир йигит бор, розиман мен, айтгин келса совчиси
Фақат мени йўл пойлатиб олисларга кетмасин.

Акамни ҳам олиб келгил эслаб қонлар ютгайман,
Ун уч йилдир иккингишни йиғлай-йиғлай кутгайман.
Ҳеч бўлмаса ғойибона қўлла онам қизингни.

«Сув деганим сароб бўлиб, армон билан ўтмайман.

1978.

ҚУШИЛДИМ

Тугилгон ларгадин бошлаб тинмас
майдонга қўшилдим.

Азал Одам Ато сарбон бўган карвонга қўшилдим

Думи чиққай офоқдин ҳам боши синғир офоқ ичра
Офоқларга боқиб ҳайрон, неча ҳайронга қўшилдим.

Борурлар от, туя, эшак, турфа темир уловларда
Бу йўлда ман ўнлаб доно, минглаб
нодонга қўшилдим.

Қўшди қай кун бу карвонга сўрамай ихтиёримни
Қай манзилда аюргай деб неча гирёнга қўшилдим.

Ажаб карвон, ажаб йўлдош тунарлар
бир-бирин йўлда
Тилаги яхши емаклик бўган ҳайвонга қўшилдим.

Замон аҳлин биридурман бу даврондин қаён кетгум
Билиб-билмай гаҳи шайтон, гаҳи
раҳмонга қўшилдим.

Гуноҳу, ширку, исёним ададсиз лек умидворма
Ўзинг раҳм айласанг ёраб неча комронга қўшилдим.

РАФИҚАМГА

Бағринг ўзга тортар бешик,
Сочинг тортар пилдироқ.
Остонангга келиб — кетар
Баҳору-куз бөсўроқ.

Сен ўртада, чўнг бир тоқат,
Мурғаккина жуссада.
Аҳён-аҳён келар отанг
Суянганча ҳассага.

«Қуёв ҳали келмадими?»
Қандай оғир бу сўроқ!
Бешик биғлар, дастурхонни
Хўл қилади пилдироқ.

Сен ўртада, қизу-ўғлон
Бир ўзингга қолгудай.
Сен ўртада, еру-осмон
Исканжага олгудай.

Сен ўртада, киприкларинг
Оловланар чироқда.
Сен ўртада, отанг қари,
Қуёв эса йироқда.

Нечот оғир бўғиздаги
Хўреншиқми яширмоқ.
Пирпирагани кинрикларда
Синиб ўчар кўп чироқ.

Сен ўртада, йўқ қуёвин
Сўка олмас отанг ҳам.
Сен ўртада — чўнг муҳаббат,
Чўнг бир соғинч, чўнг бир ғам.

Балки ҳеч ким сенингчалик
Шанбаларни кутмаган.
Балки ҳеч ким сенингчалик
Пўлларга кўз тутмаган

Ошиқарман жилаётган
Автобусда тик туриб.
Қўлтигимга шанба билан
Якшанбани қистириб.

Мунча олис Тошкент билан
Самарқанднинг ораси.
Кўринсанг-чи,

кўринақол—
Чўпонота қораси.

Орзиқтирар юрагимни
Ёргудайни остонам.
Сен айтмасанг, айтма,
Айтар иссиққина шўртак таъм.

Бу оламда сен борсанки —
Менчун ҳаёт муҳтарам.
Сен сабабсан бўлсам неки,
Сен сабабсан Рафиқам.

1984.

* * *

Битта йўлни уч хил тақдир
Уч хил атар:
«Борса келар», «Борса келмас»,
«Борса хатар».
Неча карра омон қайтдим
Сенда юриб.
Не кўргилик ҳозирладинг
Йўл бу сафар?..

1979



«АМЕРИКА ОВОЗИ» РАДИОСТАНЦИЯСИ МУХБИРИ МИСТЕР ЖЕЙМСГА

*(Еки «Ватандош» радиостанцияси мухбири Жамол
Сирожиiddин ўз-ўзига)*

Бошқа бир штатда яшар хотиннинг,
Икки норасида гўдагинг билан,
Севасан уларни, улар ҳам сени
Нораво, бевафо чўнтагинг билан.

Дуч келган ҳар ерда тунаб яшайсан,
Ўй йўқ оилангни олиб келмоққа,
Не топсанг бир ўзинг ғариб ошмайсан.
Томоққа сарфласанг, етмас киймоққа.

Уйга йўл оласан ойда бир марта,
Атиги бир кунга, юрак ҳаприқар.
Хотинни ўпарсан, кўз ёшин арта,
Тегрангда иргинлар шодон болалар.

«Бошмоқча қани?»-деб сендан сўрашар.
Эслатиб ўтган гал берган ваъдангни.
Бу гал ҳам хотининг орага тушар,
«Чарчатиб қўйманглар, — дея, — дадангни».

Бахтиёр сезасан ўзни дафатан,
Митти оиланинг улуғ бошлиғи.
Ўзингники ахир шу хароб маскан,
Унинг бор анжومي, капкир, қошиғи.

Хотининг сўзлаган бир ойлик хабар
Шомдан то тонггача давом этади,
Кетиб қолганингни билмас болалар.
Тонг сени Вашингтон сари элтади.

Яна студия, яна микрофон.
Сен бу иш ҳадисин олганлигинг рост.
Ҳар бир нафасингдан таралар ёлғон,
Шунақа ёзмасанг ўтказмайди босс.

Мақтайсан кўпириб Американи.
Ҳар кун онлангни кўрадигандай.
Мақтайсан шишириб Американи
Болангга бошмоқча берадигандай.

1986.

БАСТАКОР ТАНИШИМГА

Мансаб, унвон учун оҳанг тузар бўлсанг,
Шоҳ мақомнинг оҳангларин бузар бўлсанг,
Данг — даранг-ла ўтмаслатиб ҳис-туйғуни
Аслу — наслинг ришталарин узар бўлсанг,
Сен ўзингни ўйлар бўлсанг бу дунёда
Халқинг айтур «турқ — атворинг қурсин сани!»
Ўзингдай пуч оҳангларинг бу маъвода
Боболарнинг арвоқлари үрсин сани!



ШАҲАРДАГИ ДАРАХТ ҲАҚИДА ЭРТАК

Гўдак қучоғича чиқмас парча ер
Унинг яшаш, ўсиш меъёри,
Аскар камаридек темир чамбарак
Дарахт учун қамоқ девори.
Тупроқ сиқар, сиқар чамбарак,
Сиқар асфалт ёпинган шаҳар.
Чанг, тутунлар бўғар нафасин
Ҳаво-ҳаво эмас, йўқ, заҳар!
Сарғаяди бора-бора у
Қовжирайди барглари беҳол,
Ва қуриydi.
Ўрнига келар
Кенгликларда унган навниҳол.

1980.

ЦИРК АРСЛОНИ

Томчи томаверса тешилгай тош ҳам
Пайт келиб сўнгуси ҳатто қуёш ҳам.
Сен менинг елкамга минмоғингни қўй
Ахир абадиймас менда бардош ҳам.

1981.



СССР ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИНИНГ I-СЪЕЗДИНИ ҚУРИБ

Йўлдош бовонг «қуллуқ» қилди, чидаб келдик!
Усмон отанг «қулуқ» қилди, чидаб келдик!
Шароф аканг «қуллуқ» қилди, чидаб келдик-!
Инъомхўжанг «қуллуқ» қилди, чидаб келдик!
Худо бизни қуллик учун яратганми?!
Бизлар сени қуллуқ учун йўлламадик!

Аёлларинг ўз-ўзига ўт қўймоқда.
Денгизингни кундан-кунга қум ютмоқда.
Урф-одатни, тилинг оролдай бўлмоқда.
Юзта касал гўдакдан ўни ўлмоқда...
Худо бизни қуллик учун яратганми?!
Бизлар сени қуллуқ учун танламадик!

Қораману, жоним чиқиб кетди, нетай!
Оғирману, суяккача етди, нетай!
Дод солмадик, фурсат эса битди нетай!
Хушомадинг ҳаммасидан ўтди нетай!
Худо бизни қуллик учун яратганми?!
Бизлар сени қуллуқ учун сайламадик!

* * *

Машрабиман далли дунёнинг
Тўфонлари ғарқ этмас таним.
Манбаининг барча рўёнинг —
Мен сенда кўраман ғаним!

Еғ босган кўзингни йириб қарама!
Сен менга йўллама қийноқ, ўлимни!
Қанчалар чуватма, чигаллаштира
Бир чангал ип каби йўлимни —

Барибир топаман!
Асл моҳият
Тийрак кўзларимдан бекина олмас!
Мендаги исёнкор бу салоҳият
Танимдек тупроққа қорилиб қолмас!

1982

* * *

Жураклар ораси сим-сим зирқираб
Бир огриқ уйғотар мени саҳарлар.
Балки юракдир бу, тонглар чирқираб
Бедор этар мени ўйгонмай қушлар.

Ахир у тан отлиғ шу чўнг қояда
Икки ўқ илздизи туташган замин.
Ахир у данагим. Тириклик ҳар вақт —
Ана шу данакдан дарахта таъмин.

Ахир у тан отлиғ шу чўнг қояда
Занжирбанд этилган Промитейдир.
«Ғам отлиғ қузғунлар ҳар сонияда
Чўқилаб туришса мен нетайин», дер.

Ахир у кечаю-кундузи тинмай
Ҳалинчак учган қиз чап кўксим аро.
Мен нечук саҳарлар бир огриқ туймай
У менга дил бўлмиш, лек таним айро.

Ахир у бир маҳбус Солеҳ айтган ул —
«Жимликда занжирин шилдиратган зот.»
Ахир у энг сўнгги япроқдир нуқул
«Узилиб кетма», дер Мирзо дўст ҳайҳот.

Ахир у...
Бўлди, бас! Етади эй жон,
Сенинг бу азобинг қачон тинади?
Бу огриқ танимдан арийди қачон?
Уйқу қачон давлат қушдай қўнади?

1987.

ХАРЕИЙДАН ҚАЙТИШ

Мен сенга элтаман мовий уммоннини
Мовий уфқлар-ла туташ гардишин.
Мен сенга элтаман жумла-жаҳонни
Аймоқи ўрмонлар қоплаб ётишин.

Мен сенга элтаман тараққётнинг
Наҳсига ботмаган зилол сойларни.
Мен сенга элтаман мусаффо ҳаво,
Табиий ям-яшил гўзал жойларни.

Мен сенга элтаман севгидан бўлак
Юмушни билмаган бўлиқ қизлардан,
Мен сенга элтаман бағрида конлар
Дафинадек пинҳон дала-тузлардан

Мен сенга элтаман ўқишдан бошқа
Ташвиши бўлмаган беҳисоб мактаб.
Мен сенга элтаман қорачигимда
Шанба-якшанбани тоғим қақраб.

Барчаси-барчаси сеники халқим
Қўйилар кўзимдан турфа хотирот.
Бу сенинг ҳаққингдир, менинг улусим
Сен ахир мавжудсан, мен ахир ҳаёт

1976*

МИРЗОГА

Унутганча бир лаҳзага яхши — ёмонни,
Унутганча тилу — дили айрў замонни
Елкамизга ташлаганча сафар чопонни,
Бош олганча, бирор ёққа кетайлик, дўстим.

Мансабпараст мансаб учун борини сотсин!
Дунёпараст пул-мол дея орини сотсин!
Хушомадгўй казоларга ёрини сотсин!
Бош олганча бирор ёққа кетайлик дўстим!

Жонга тегди жаҳолатнинг турфа ғавғоси!
Ҳаромхўрлар таъмаси-ю, кибру-ҳавоси!
Барчасини унутмоқдир дил муддаоси —
Бош олганча бирор ёққа кетайлик дўстим.

Чекинишмас, ўз қалбимни қозиб чарчадим.
Ҳақиқат деб, адолат деб ёзиб чарчадим.
Сал тиниқиб келай, ҳозир, безиб чарчадим.
Бош олганча бирор ёққа кетайлик дўстим!..

1987.

ШЕЪР МОНОЛОГИ

Бир қулоғим кесди муҳаррир,
Узгасини бўлим бошлиғи.
Тақризчига ёқмади оғзим,
Ҳам қобоқнинг туташ қошлиғи.

«Ухшовсиз!» деб бош муҳаррир ҳам
Бурним шартта қирқтида қўйди.
Литдагилар «мунча ғамгин?!» — деб
Аямасдан кўзларим ўйди.

Ҳарф терувчи, корректор ҳамкор
Битта — битта юдилар сочим...
...Етиб келдим, тоъле бўлиб ёр!..
Салом сенга!!

Бу мен, ўқувчим?!

1986.

1971 ЙИЛ ЁЗИДАГИ ЭНГ ҚИСҚА ВА ЭНГ ҚОРОНҒИ ТУН

Қўшни бир қишлоқдан янграйди ёр-ёр
нохуш қийқириқ.

Кўкрак қафасимда араби тулпор,
лабда ҳайқириқ:

— «Э воҳ!»

Ана, эшитилар: — «Қўйма, торт, ҳа-торт!»
ҳа-а, бу пояндоз...

Менинг муҳаббатим қилинар «Торт-торт!»
сўкилар оз-оз

— «Э воҳ!»

Дўстлар таскин беришар деб «— Ўзингни тут,
ўтиб кетади!»

Қуртнинг қорни тўйсин деб, кесишадн тут...
Тут қон тўкади.

— «Э воҳ!»

Яна янграр қийқириқ: «Ололмайсан — ҳаҳ!» —
бу калом менга!

Қиз чорловди тўйига, боролмайманда
ўз жанозамга

— «Э воҳ!»

Янградими шўх бир куй, ё мотамсаро
илгамас қулоқ.

Ойни қучибди булут, ҳовли зим-зиё,
лек ёруғ Тайлоқ¹

— «Э воҳ!»

Юрагимдаги ҳулкар самога чиқди
дейолмадим «— Қайт!»
Уйларда чироқ ўчди, шовқин ҳам тинди,
ўтди фурсат, пайт

— «Э воҳ!»

Балки ҳозир тўшакда сочлар паришон,
ётар келинчак,
Менчи сиқиб юрагим, томиздим шеър — қон
қоғозга «чак-чак...»

— «Э воҳ!»

¹ — Қўшни қишлоқнинг номи.

ОРАДАН УН БЕШ ИИЛ УТГАЧ ТУФИЛГАН ШЕЪР

(Ҳамдард дўстим Яхё Тоғага)

Ошиқ йигит туни бирла тўкиб чиқдинг ёш,
Тонгда чиқди келинчакдай соч тараб қуёш
Унинг олтин сочларига ос ўзни майли,
Тонг мурувват этмиш тунги таҳқир туфайли,
Осилдингму, кўзларингнинг оқи шафақранг?
Е дийдангда акс этдимму дилдаги яранг?
Машъалалар ёғдусида «ёру-ёр кетди,
Орзу — умид шаҳаншоҳи тору-мор кетди.
Чангалинга лой эмас бу — тошдир мулойим.
Боши омон кетди рақиб, кетди ул ойим!..
Бўзладинг-эй, бўзларингдан хору-хас ёнар,
Сўзладинг-эй, сўзларингдан нокас қувонар.
Вужудингдан сайҳонликка бердинг ҳарорат,
Бир парча ер ҳайрон қолди «Қавми бу асад?»
Оппоқ булут либослари лахта-лахта хун,
Сочин ёзиб чиқа келди мотамзада кун.
Ҳов шудгорда ҳовур ичра оқиш қарғалар
Кимга олқиш ёғдирару, кимни қарғашар?
Келинчакдир бу сайҳону, шу кенг майдонинг.
Дала — тузу, боғу-роғли Ўзбекистонинг.

1971—1986.

ДАВЛАТИ

Бир лаҳзали хуш дам эрур мотамсарони давлати.
Хуш лаҳжали ҳамдам эрур бахти қарони давлати.

«Бахти қаро яхши билур бахти қарони дардини»,
Бедарду, беғам бўлмағай бағри ярони давлати.

Ою-қуёш кўк давлати, суву-ҳаво ер давлати.
Ҳечдур Навоий. Жомийсиз ул Бойқарони давлати.

Эй дўст кўздан ёш отмағил, тош бошингға тош отмағил.
Кўкрагимға бош отмағил битди шўрони давлати.

Мансабни қўй, шеърдан гапур то жонима айлай ғизо,
Шеъринг сани ҳар аҳли дил дўсту — жўрони давлати.

ЖАВОБ МАКТУБ

Сенга шеър керакми?..
Мен сени букун
кимим деб аташга
тополмайман сўз.
Севгилим демоққа
сўз ҳам уялур,
чунки сен ўзганин
севимли ёри.
Сенга шеър керакми
номаҳрамгинам?!



Энди сенинг номингни дилдор
Оҳ тортмасдан айтолмас тилим.
Энди сени ҳар эслаганда
Талпинмайди, тўхтайдн дилим.
Ҳар мисрамда тобут юкича
Армон ётар аста чўзилиб.
Қоғоз узра мисраларимдек
Қолгудайман мен ҳам узилиб,
Ўзил майли ҳаёт торларим
Муножотим авж оҳангида
Энди надир яшашим манним
Бевафолик рангида..



Балки бу дам ухларсан сокин
Ёр кўксига қадаганча бот.

Балки ростдир мактубинг сенинг
«Тунлар ювар ёстиғимни ёш»...
Бунда бари беҳаё, жирканч
Фақат иши тушса эслар эр.
Мол-дунёси айлаганча пеш
Нималардир дер»...
Сен ўйлайсан баҳор онларин
Қизғалдоқдек ёнган лаҳзани.
Эслагайсан оташ байтлару,
Шабнамдайин пок ишқни, мани —
Эслагайсан.

Қайноқ ёшингдан
Бети куйиб уйғонар боланг,
Уй ичига ором бахш этмас
Оромларни бузади алланг...



Букун энди англадинг терав
Муҳаббатни бўлмагай сотиб.
Ехуд бойлик, жавоҳир томон
Келмагай янги ишқ уйғониб.
Сабоқ бўлсин энди ҳаётинг
Ўғил-қизинг англашсин буткул —
Пуллашмасин улар туйғуни
Топтамасин муҳаббатни пул!

1979.

* * *

Қўнғир капалакка айланиб бир кун
Борурман даргоҳинг дараклаб дилхун,
Майлига келганим сезмасанг сезма,
Фақат шод кўрайин чеҳрангни гулгун.

Мунаввар оразинг гирдида парвоз —
Этарман толедан бўлиб сарафроз.
Бехос номим тилга олгудай бўлсанг —
«Мен ўша!!» деганча берурман овоз.

1987.



* * *

Кузатиб қўймадинг олис сафарга
Йўл қўймади бунга ҳаё-иффатинг.
Лекин сизди кўнглим, туриб саҳарда
Кетган йўлларимга термилди кўзинг

Хат ёзиб ҳолимни сўрмадинг бир бор.
Чўчидини ё мени ёзар деб жавоб.
Аммо қалб сезгиси бермоқда хабар
Уйга ёзар хатим кутишинг хуноб.

Қайтдим узоқ Шарқда ўтаб хизматим,
Денгизчи либоси муносиб тапга.
Роз айтди не қизлар тўсганча йўлим
Мен қабул этмадим, хаёлим сенда.

Кутишга чиқмадинг йўлимга пешвоз
Чиқишди ўзгалар мен унутганлар.
Қалбим сенга мослаб чиқарди овоз:
«Мен сизни кутгандим туриб ҳар саҳар»

Йиғилди тумонат ёру-дўстларим.
Қариндош уруғдан ҳовлимиз тўлди.
Излаб нигорондир сени кўзларим
Билганлар ҳолимга ачинди, кулди.

Мактабдош бир дўстим бузиб хаёлим
Бир оз энгашиганча шипшиб сўради:
«Наҳот унутмадинг ўшани дўстим,
Яқинда иккинчи фарзанд кўради!..»

1976.

МАВЛОНО МУҚИМИЙ «САНДАЛИ»ЛАРИҒА БИТИЛҒОН МУХАММАС

«Барфи»-ю «Қорхат» битилғон садри
хондур сандали,

Улфату, ёру, рафиққа мезибондур сандали.
Қай оёқ қайси оёқ-ла сир ниҳондур сандали.
«Қиш совуқларда ажаб оромижондур сандали,
Хоҳиши таъби ҳама пиру-жавондур сандали.»

Юрма ул бадмаст каби девол-симоғочни тираб.
Келди қиш қайтғил уйингга Қоранордай гулдираб.
Соқолу-мўйлаб қировму, булдуруқдин ялтираб
«Қўчадин келсанг олур қўйнига титраб, қалтираб
Отаю, мушфиқ анодин меҳрибондур сандали.»

Неча афранг илм ўқурлар ётибон эл қасдида.
Келди пойиз бут ғилопи ортибон эл қасдида.
Тугсини қиз, тугмасин ўғлон дебон эл қасдида
«Қору, борон келса лашкар тортибон эл қасдида
Паҳлавон ўчоғимиз, соҳибқирондур сандали.»

Зардолу чўғини сол қолмайди бодлардин асар.
Тут ила токни чўғидин бор рутубатлар кетар.
Исириқ солсанг агар минг хил балонни даф этар
«Ўт солиб ётган кишига аввал оқшом то саҳар
Тахта гўё оқ бадан танте жувондур сандали.»

Бовасир бўлса агар сандалини тоблаб ётуш
Белни оғрир жойнига сугурни пўстини ёпунг.
Гар суяклар қақшаса пўстакли бурчакка ўтунг.
«Қабқаро қилмай тутундин ўт солиб яхши тутунг,
Неча кун фасли зимистон меҳмондур сандали.»

Ул Муқимий давридин ўтмишку юз йилча магар,
Энди дунё ўзгача, нарху-наволар ҳам дигар.
Топганим: буйракда тош, ёшу-қари оғрир жигар
«Ётсангиз иссиққина совуқ ҳаволарда агар
Эсга келмас очлиғиңиз ошу-нондур сандали.»

Фарзанди Фарғона неча бор ботибдур қониға.
Ҳинду, Румдин келғони мирқосим элни нониға.
Газ қозон қурмоқ-ки тўғри келмас эл ҳамёниға
«Қиш адоси шабхун урганда мардум жониға
Сафшикан э жонибидин қаҳрамондур сандали».

Бойчибор Фирқўку. Рахшимсан ўзунг чорпо Саманд,
Сен ўзунг динларға доя, шоҳ асарларға каманд.
Қиш ичи дамини олганда Хумий теша, каланд
«Бўлса Мирбоқи қовуни бирла Муқим ўт баланд
Роҳати тан, мояи руҳи равондур сандали».

ПУШАЙМОН

Қўл узатсам етардиму,
Ето билмадим санга,
Олам аро маълум сирим
Бито билмадим санга.
Сим қафасда каклик янглир
Кўксим аро дил нотинч,
Андишанинг деворидин
Уто билмадим санга.

Сиҳатмусан, бахтлимусан?
Бу дунёда бормусан?
Сен ҳам мендек андешанинг
Қўрғонида зормусан?
Деворлардан баланд ўсган
Муҳаббатим — дарахтим
Ер боғига ўтар бўлсам
Нарвонмусан, дормусан?

Боғ ичра ёр хотиралар
Чўпчакларин боғларсан.
Наҳот барин куйдирмоққа,
Кул қилмоққа чоғларсан?!
Майли хаёл боғларингда
Янги гуллар очилсин.
Аммо менинг хаёлимда
Энди кузги боғларсан.

Бир «оҳ» десам хотиралар
Хазон бўлиб сочилар.

Қаён боқмай нигоҳимга
Ер дийдоринг дуч келар.
Вужудимда ҳар ҳужайрам
Бижирлайди соғинчдан,
Ҳасратларим боғим аро.
Мезон бўлиб соч илар.

Қўл узатсам етардиму,
Ето билмадим санга.
Олам аро маълум сирым
Бито билмадим санга.
Сим қафасда каклик янглир
Кўксим аро дил нотинч,
Андишанинг деворидин
Ўто билмадим санга...

МАКТУБ

Мен сени унута олмадим!
Тамом...
Бошқа бирор сўзга
Ҳожат йўқ эркам...
Одам ўз вужудин —
аъзоларини
Унутмоғи мумкин
оғримаган дам,
Сен менинг ярамсан,
ярамсан,
Ярам.

1978.



ШОИР ИШ ИЗЛАГАНДА

«— Шеър, мақола ёзиб юрманг,
Мошинангиз бўлса бас.
Ё союзда консултантсиз,
Ё мухбирсиз шу нафас.
Ранс Эргаш, туман газет
муҳаррири — Зиёда
ҳар кўрганда ҳасрат қилар:
«Иш кўп, бизлар пиёда...»
Ранс айтар: — «Тошкент. Москов
ёзувчилар келишар.
Учрашувлар.., зиёфатлар...
югур.., югур.., ким қилар?!
Аққа оббор.., баққа оббор...
автобусда ноқулай,
Мошинали ходим бўлса
Яхши эди ҳар қалай.»
Муҳаррир ҳам айтар:
«— Мажлис бўлар дашту-қиёда,
Катталарда улов бору,
фақат бир мен пиёда,
Гоҳо унга, гоҳо бунга
ялинаман, кулади,
Аҳволимни мошинасиз
муҳаррирлар билади...»
Хуллас калом, мошинангиз борми?
Йўқми?!.. Э, афсусл!
Сал чидалсин, балки бошқа
бирор иш-иш топгаймиз.

**Бобой бели бақуватми?!
Маззаси йўқ! — Э, укам!
Мошинасиз бизда иш йўқ
Чингиз Айтмат бўлсанг ҳам!►**

1989.



ТАНИШ ШОИРГА

Ниятим бор эди дилда
Сенга айтмасдим ҳаргиз.
Ғар китобинг чиқиб қолса
Ёзмоқчийдим бир тақриз.

Илк тўпламинг магазинда
Кўриб роса суюндим.
«Ҳақиқат ҳам бор эканда?!» –
Деб. қониқиш туюндим.

Биринчи шеър бисмиллоси: —
«Кириқ қошсиз бўлмагай»...
Кейинги шеър интиҳоси: —
«Гуруч гошсиз бўлмагай»...

.. Уқиб чиқдим бошдан охир!
Афсус, зое фурсатим
Тополмадим тақризимда
Мақгагули бир назм

Чойхонашин давраларда
Гапга чопон ёпардинг.
Биров сенга «ади» деса,
Тарҳол «бади» топардинг.

Минбарларда гулдураклаб
Янгарар эди овозини.
Хеч кимсая паяймасди
Сенин мезон гарозини.

Ўзингми шу?...
Излаб учга шоли тоядим,
Уям пуч!
«Гуруч тошсиз бўлмас»,— дебсан,
Ўзи бормиди гуруч?!

1984



ЕТМИШ

(Кекса шоир Мадамин Давронга)

Даврон нечоғ шиддаткор ниҳон-ниҳона етмиш
Битта қўли бундадур бири чўлпона етмиш.
Гир айланиб фалак ҳам омон сурона етмиш
«Идраска» деб Қодирий Носир Усмона етмиш
Алар руҳи туфроқмас, ҳурдир осмона етмиш
Ҳурни ҳур деб етқизган ботир полвона етмиш.

Кўз очганди наздида Худоёрий қасрлар
Туйраб ўртар вужудин гушда қасир қасирлар.
Ҳам судралар оч арвоҳ, мурдор яра асирлар
О гушда ҳам қийнаркан кўзи очиқ басирлар.
Гоҳ бўғзига снғмасдан қамиш бўлар кўп сирлар
Тирик қомус тафаккур Дамин Даврона етмиш.


Ҳануз дилга завқ берар чучмалар кулиши
Келинларнинг гўра еб, кампирнинг сир тутуши
Тошкент ёзи исикроқ, бироз салқинроқ қиши
Лек ўрганиб кетаркан асли Қўқоннинг киши.
Очиқ дилдан мўралар шеърнинг шигил гуллаши
Илҳом нары қайтадан янги туғёна етмиш

Дамин Давронга етмиш

1982

КЕКСА ШОИР ҲАСРАТИ

Букун энди рӯзгор тўкин,
Қайнар дошқозон.
Фақат қани ўшандаги
Соғлом ошқозон



МУХАММАС

Хусайин Бойқаро: Жаҳон мулки маним бўлса ғамим
кўпдир, надандир бу?

Мир Алишер Навоий: Азалдин ғам суйи бирла
суғорилган бадандир бу!..

Суву, туфроғу, ҳаво, ўт ийламоқ коринг сенинг
Қирди жон чалғанда сур, танбурму-даторини сенинг,
Олди эгри ул қобирғам қайси хунхоринг сенинг.
Кўз очиб кўргач юзинг бўлдим харидоринг еснинг,
Эл аро шеър деб аталгай нолаю-зорим менинг.

Мисли бир кўдак эдим ман, дилда ишқу безабон.
Яшнар эрди тўртта унсур, тўрт мизожим ўл замон.
Оҳ! Ғанийға бердингу васл, манга савдо ногаҳон.
Ақлу-ҳуш кетди, ғаний-ла бўлди рафторинг сенинг,
Эл аро шеър деб аталгай нолаю-зорим менинг

Битта оҳ бирла танимдин чиқди ул бори ҳаво,
Машъаланг бирла кетибдир, бўлмишам ўтдин жудо.
Хоки пойинг бўлди ул туфроғлигим ҳам мосиво,
Кўзларимдин оққан ул ёш унсурим, зоринг сенинг,
Эл аро шеър деб аталгай нолаю-зорим менинг.

Сув киби кетгон йўлунгин ёқалаб бўлдим равон.
Чарх уриб кездим неча қишлоқ, овул, дашту ёбон.
Огулаб қишлоқ, шаҳар фисқу-фужур гўкди чунон.
Топмадим ҳаргиз дарагин йўқингу-боринг сенинг
Эл аро шеър деб аталгай нолаю-зорим менинг.

Сув каби учдим самоға ёр сани ёдинг била,
Яшнадим ёндим яшин-ла ўгли фарёдинг била.
Гулдурос солдим самоға топмайин, додинг била.
Сочилиб сонсиз бўлак келдим ёмғир-қоринг сенинг
Эл аро шеър деб аталай нолаю-зорим менинг

Сув каби сипдим қуёш юзлук сани ҳажринг аро
Қотди тугёним танимда шул сабаб жисмим яро,
Қорли гумбаздай бошиму, чун лаҳад субҳим қаро.
Бўлмади ҳаргиз муяссар кўзга дийдоринг сенинг.
Эл аро шеър деб аталгай нолаю-зорим менинг

1989.



ИҚРОР

Мирзачўлда бетон йўлнинг чеккасида
(Эрта кузак вақти эди) кўрдим бир ҳол:
«Запарожец» машинасини қантарганча,
Уқариқда шомни ўқир хужоғий чол.

Жойнамознинг ёнбошида қўлтиқтаёқ
Ёнбошлаган куйи чолни кутар эди.
Чор атрофи қийғос пахта ва теппада
Бир самолёт шўнғиб-шўнғиб ўтар эди

Биз ўтардик автобусла лоҳасланиб,
Ҳар бир нафас димоққа тиф қадар эди
Кимдир «Уни қаранглар» деб ҳайқирдию,
Ҳамма чолга афсус ила қарар эди

Қизиқ ҳамма афсусланди, бироқ ҳеч ким
Афтобусни тўхтатмоққа азм этмади.
Балки чолнинг ўша дамги ибодатин
Бузмақликка бирорта мард жазм этмади.

Ўтиб кетдик.

Аччиқ ҳаво ортада қолди.

Кунлар ўтди...

Мени қийнар ул хотира:

«Нега ул дам автобусни тўхтатмадим,

«Бобожон!» лаб югурмадим,

Нега?..

Нега?!

1984

ДАҲРИИГА

Кечамиз бор экан, бугун туғилди.
Бугун — эртамингун саналгай падар.
Аждодлар шаънига тош отма бунча
Эй нодон, сен киму, ким ул пайгамбар?!

Қашшоқу, ожизу, художўй дея
Қай фарзанд отасин оқ қилибди, оқ?!
Жойнамоз устида қай жаллод сўяр?!
Е майит руҳига ким урғай пичоқ?!

Бобонгни сен сўкиб шон топсанг агар
Билки эрта сени набиранг сўкар!

1972

* * *

Тарози бор эмиш аршу-аълэда
Гуноҳу, савобни тортмоқлиқ учун.
Гуноҳ палла бўлса боқий дунёда
Узилиб тушмайди самодан печун?!

1980



Кетар бўлсанг бош олиб
Кетганлигинг билинса,
Не-не шивит киприкка
Шудринг инса, дур инса.

Бинафшалар бош эгиб
Нола чекса ифорли,
Печакгул кўк кийинса
Ишкомларда оҳорли.

Деразалар юзларин
Юваверса ёмғир-ёш,
Камалак сочиғиға
Юзини босса қуёш.

Нолакор турналардан
Булут бели бойланса,
Бақаларнинг бўғзига
Садргинанг жойланса.

«Кетманг...» дея Анҳор, кўл
Пойинг ўпиб тўлғонса
Манов бир жуфт байзо қўл
Шарфинг каби чўлғонса.

Қоқигул уруғларин
Чор тарафга йўлласа,
Тоғлар ўкраб, тўккан ёш
Этакларин ҳўлласа.

Чақмоқ қиличин сермаб
Лолазор бўлса соғ-сўл...
Кетавергил... шодумон
Қолгандан ҳам рози бўл.



МАВЛОНО ХУМИЙ МЕРОСИДАН

Хумий меросини чегаралаб ётган нарса — шу Хум.

Мени чегаралаётган нарса уйимнинг тўрт девори.

Уйимнинг чегараси — қўрғон.

Қўрғоним чегараси — маҳалла.

Маҳалла чегараси — қишлоқ шўроси.

Қишлоқ шўроси — ноҳия чегараси ичида.

Ноҳия — вилоят чегараси ичида.

Вилоят — жумҳурият

Жумҳурият — умумитифоқ чегараларининг қуршовида!

Юракларингиз сиқилмайдими?...

Дастлабки чегарани бузиб Маавлоно Хумий ғазалларини эътиборларингга ҳавола этишга ижозат бергайсиз. Қолгани Сизга ҳавола

ҚОҶИНДУҚ

Дон совурсанг, хирмонжойда елинг бўлай қоқиндуқ.
Буғдой янчсан сани сопи келинг бўлай қоқиндуқ.

Ҳар зарра қор сани топмай қўнаётгон ўпичим,
Кулар бўлсанг курагингу белинг бўлай қоқиндуқ.

Баҳорингда ёмғур бўлуб, томинг қилай ноғора.
«Жала» десанг дўлинг эмас, селинг бўлай қоқиндуқ.

Не қилсангда ўз беклигинг йўқотмагил бўйингдан,
Майли сени «муж»инг бўлай, «мили»нг бўлай қоқиндуқ.

Мағриб Машриқ бўғқасида ғазал шундай ёзилмиш
Кетиб қолма сен исгаган хелинг бўлай қоқиндуқ.

Майли десин: «Шоир Хумий ҳаёсини йўқотмуш!»
Бор-будини йўқотвотган элинг бўлай қоқиндуқ.

КЕЛДУМ

Надир ялгон бу оламда ани фош этғали келдум,
Ғаним бўлган қариндошни кўзу қош этғали келдум!

Нечук золим ки исгарсан санга ман саждалар қилсам,
Санидек неча авбошни кўзини мош этғали келдум!

Ениб аждод қонида, келиб модар гумонида,
Бу жоҳуллук жаҳонида муштум тош этғали келдум!

Ман-эй, тўйдун, сан-эй гумроҳ нечук мунча яшовчансан?!
Сани бардошларинг сингунча бардош этғали келдум!

Танам хумдур синур балки, руҳум осмон сўзум чақмоқ,
Малик уя мави бўлуб сани а лошинг чош этғали келдум!

КУРДУМ

Киёмат кун қўпубдур воҳ ажалдин асра жопингни,
Мўмин кетмуш, куфур босмуш замо-ну, чор тамошингни.

Фаранжисин ёқуб завжапг, санам рашкинг алавга от,
Набирапга кўллуқ қилсун ечиб бергил чапошингни.

Жамийки ул битикларин аробий имлода пашри
Деволлар магзинна қўюб суваб гум қил қуръенингни.

Яширғил салла—дасторинг ки бошингга бало бўлғай,
Расул, олло каби сўздин халос айла даҳонингни.

«Идраска»де, «испаб искай», кўрингонга тавозе қил,
«Нў-нў», «даҳ-даҳ», «хара шўй»га ўргата бор забонингни.

Ўзни мутлақ авом кўрсат, саводсиздин савод олгил,
Қўни-қўшнинг ноқобилму, ўзгартир тез маконингни.

Атас Хумий келур миршаб, «Аз дур асти...»

Қаёи? Нечун?!

Қўйиворни сўкаи майли ўшал ўтган замонингни!... »

ҲЕ ҚАЙДАЮ, ҲЕ ҚАЙДА?

Меҳнат аёғиға ҳей, ҳиммат калўши қайда?
«Наззора қил!» — деб айтсам давронни гўши қайда?

Зийрак эсанг назар сол — ишлар киму, тишлар ким?:
Зарбоф чапонли қайда, ҳам жандапўши қайда?!

Иш билганим гап билмай афтодаю бечора,
Сўзсиз бажарған қайда, «хўп, бўпти, хўш»и қайда.

Айни қиёмат ҳозир, ишонмасанг назар сол:
Хотуши зўри қайда, эркакни бўши қайда?

Мансабни деб амалдор ҳар қандай ишға тайёр,
Азроили эл қайда, «модарфурўш»и қайда!..

* * *

Шоҳи Машрабдек неча соҳиб кулоҳинг қайда ҳей,
Е Або Муслим каби шердил сипоҳинг қайда ҳей?!

Бир варақ мусҳаф учун бўлди Насимий пўсту-гўшт,
Бори ёнди, зери по бўлди, нигоҳинг қайда ҳей?!

Оғуланди сув, ҳаво, туфроқ ки зобит феълидек,
Беҳисоб арвоҳ гувоҳ дессанг гувоҳинг қайда ҳей?!

Етмадиму тоқи арзаға ёки мазлум ноласи
Етмаса борғум ўзум, меърожу-роҳинг қайда ҳей?!

Аҳли оламини бориким каш-кашак тутган гўдак
Шохма-шоҳ учдим палापондек паноҳинг қайда ҳей?!

Излади Фоний Навоий оқибат деб «топмадим!»
Топгани ҳам этмади қутбингу жоҳинг қайда ҳей?!

Сенку аҳли дун учун Нўҳу набийсан ота Шарқ,
Аўрлигини етмасму ул шавкат салоҳинг қайда ҳей?!

Утди аждод қон ичибу, май ичиб, хук, сакни еб,
Қабрида бор, қалбида юлдузу-моҳинг қайда ҳей?!

Тобакай «ҳей-ҳей» — лабон ўтгай Хумийдек нечалар
Хут-хути даврон гўл илем хонақоҳинг қайда ҳей?!

Бас-эй сассиқ сўкуш, хушбўй дуоларни соғинган дил,
Мушки Аттор киби дилжўй наволарни соғинган дил.
Ажаб қисмат — йилон бирла ўшал сий мурғ¹

қафасдошмиз,

Ўзинг қутқар аё Семурғ самоларни соғинган дил.
Йилон бўғзи аро ҳайҳот неча Ҳуд-ҳуд шаҳид ўлди,
Сулаймоний мақомдор раҳнамоларни соғинган дил
Ажаб қушхонани кўргил, ажаб қушхонани кўргил!
На парвозу, на роз. бозу-ҳумоларни соғинган дил.
Йилонга муқаллид «чирк-чирк» этиб сайрайди

гўтийлар.

Лиссон-ут-тайр²ни севган фидоларни соғинган дил.
На минқорим била сингай, на болим арраси кесгай,
Бу ғасф темирға Темурдай даҳоларни соғинган дил.
Кириб чиққай йилон озод, қафас бизнинг эрур эй-дод!
Ман ўнг кўзин, сўлни шунқор адоларни соғинган дил
Ики шунқор уриб минқор бу очкўз мор басир ўлгай,
Йилондин ҳам оқур хуни снёларни соғинган дил.
Авомбоб ул яланғоч шеър гўё ҳезга жалаб монанд.
Закийдиндур нажот Хумий имоларни соғинган дил.

¹ — Фаридаддин Атторнинг «Мантиқ-ут-тайр» асари назарда тутилмоқда.

² — Алишер Навоийнинг «Лиссон-ут-тайр» асарига ишора

ҚУЛУПНАЙФУРУШҒА

Эгайвер бош фурӯмоя агар таъбинг эгар бўлса,
«От узра қўйди» — деб шод ўл, магар орти тегар
бўлса,

На отсан, на чавандозсан, аросат айни жойингдур,
Санам номингни ўзгартир, агар отлиқ дигар бўлса.

На отлиққа сўзинг ўтгай, на отга таъсиринг бордур,
Арода гапни чайнарсан: «Агар бўлса., магар бўлса...»

Бору — йўқ бар эгардурсан, керма қошингдин
ўргулдум,
Киборсан қайға қўндурса, отмас ҳатто дагар бўлса.

Мўлобим мушчалар устинг, отни қилди яғир остинг,
Бўлодир қазию-қарта бу от санга чидар бўлса.

Қуфрлик ҳаддидин ошди бало ёгмас самолардан
Этмагон хук тановулин борму кўзи қаролардан.

Наҳот энди бирор эр йўқ белинда белбаги йўқлар
Белбоғ кечмиш йигитлардан, соқол эрса боболардан.

Тақим ўпғон қаро сочлар ҳаром мўйдин дароз эрмас
Ҳаё кетмиш қизу жувон, зани-занон, момолардан.

Мўминларға сабр мерсс, сабр кассада ул қайла?
Кўпирса қон минолардан, бузилса хўй кинолардан.

Бўғилди қанча нораства, туғулди қанчалар гўҳдак
Атосини тайини йўқ, аноси бениколардан.

Ажаб эрмас яратғон ҳам эса лол ердаги ишдин
Анолар қайтадин қиздур ажиб турлук шифолардан.

Атосини сўрар бўлсанг «анонгни кўрсатурмиз», деб
Даҳонингга уродурлар уриб дам ул казолардан.

Наҳот кўкда яратғонга қилиб фитна малонклар
Ҳукмфармо бўлиб шайтон юритса иш фазолардан.

Замон санға агар боқмас замонга боқ аё Хумий
Шояд топсанг санам баҳра турли нозли имолардан.

Ўт эрур бошдин оёғим, восил эт, сўндир мени.
Еки бул бадкардалиғларга чидай, кўндир мени.

Боражак манзил узоқдур токи йўлда қолмайин.
Эй ичимдаги муганний куйингга миндир мени.

Най навосиға миниб сайр айласам аршу-фалак,
Ногаҳон тўхтатма мутриб, пастлатиб қўндир мени.

Ҳар забонни асрамоққа ўттиз ики тиш чиқур,
Ўз тилин чайновчилардин сал нари дўндир мени.

Ноширо давринг талаб қилган кўзангга сигмазам,
Сен ани жуссамга мослат, демадим йўндир мени.

Қасбу-корингга сени!.. Йўнилмаған зот қолмади!
«Бори шул!» — деб пайраҳам кўрсатма-ю, ёндир мени.

Хумийи давронга мос ранглар ила чаплашни қўй!
Бўлмайин токи мунофиқ, хумға сол, кўмдир мени!

САНИ...

Додхоҳ, ўғри чиқалмас баланд томингга сани...
Қайга бормай, анда ҳам машҳур номингга сани...

Порахўр, ўғри-ю, ғар борки — ани султонисан!
Кўрган бор наҳсга ботур, турқи ҳаромингга сани...

Кўрғонида йўл бўйида шатталар сарбозларинг,
Сан ўтарда кўчадин, олий мақомингга сани...

Бошдаги шапканг таги макру разолат маскани,
«Халқим»-у, «юртим» деган ёлғон каломингга сани...

Завжа-ю, бачча азобда, эрларинда йўқ ғурур!
Барчаси мурдор риқобдай аҳли омингга сани...

Қийпадинг мискин Хумийдек кимки бўлса хамзабон,
Ғайри дини тиз букиб берган саломингга сани!...

ЕТАР ҚУЛЛИК

Қўпайғуси бу дуняда мани янглиғ тўйғон, тўйғон,
Ўзини ўз қўли бирла ҳузур этиб сўйғон, сўйғон!
Маним руҳимдағи қудрат санинг—чун бўлғуси қисмат,
Қани, ўғлум, очиб кўзни ёнимга кел, уйғон, уйғон!
Етар-ку энди хоб этмак бу ҳовлингни хароб этмак,
Келмакка оқибат кетмак, кафан ё тўн чулғон, чулғон!
Умид этма китоблардин, мурод ҳосил шитоблардин,
Бўғилмай мен хитоблардин, қилич мен, бўл қалқон,
қалқон!

Алл бизда, зафар ҳам ёр! Бугун ҳақ ул— кима куч бор!
Хумий довул чалур такрор:

уйғон!

уйғон!

уйғон!

уйғон!!!

ОНИ ҚАРАНГ-А, ШУЙҒИБ, АҲИЙРИ ҚУТУЛДУК

Кажрафтор фалак ўюними, тақдир ҳазилиму, хуллас бошим гангиб Зулмат шаҳарға бориб қогоним ва у мамлакат подшоси бўлмуш Оқдевшоҳға асир тушгоним ва шоҳ завжаси — Малла алвасти хонумга бир қилигим мақбул бўлиб ҳарамга даъват қилингоним ва кўшки олияда Борбад ҳазратларининг «Хисравоний»ларидан «Ганжи шайтон»ни хониш қилгоним ва деғу алвасти қизи — Маликаи Барзангига, ҳа-ҳа, ўша Оқдевшоҳ ва Малла алвасти хонумни қизи, (рости ўзумниям бошим қотгон «ота-она оқу, малла, бу қандай қилиб қора»— деб) мақбул бўлгоним ва онда кўшкига чорлонгоним ва «Ганжи Афросиёб»ни айт! — деғонида, — «Э, кунжковларингиз юз йингирма уч йилдин буён излашади Афросиёбда ганж қоптиму?! Қолганини энди фараңлар излаб ётишибди!» — деғоним ва «маиға уйлап қавмингга пошшо бўласан!» — деғонида шоирлигимни баҳона қилиб фанодин бақони афзаллиги ҳақинда суҳандонлиғ қилгоним ва «ман гўзалму?» — деғонида қўрқуб «ҳа, қурумдеккина пари, пари» деғоним ва «санга ёқаманму?» — деғонида ангуштаринини тишлаб ўзумни уялганнамо тутгоним ва «қани, мақбул бўлсам мани Шарқона қилуб мақтаб бир қўшуқ айт-чи!» — деғонида айтгоним ва они ўйнағони:

Ман қоқай ноғорани сан шоду — хандон ўйнагил,
Ики хуржунда кўмирча сийна ларзон ўйнагил.

Оғзи мисли исли тақдир, қошлари қўш енгчадай
Остида рапида кўзу, гирди куйгон ўйнагил.

Киприги гўё супурги-ким кукунда ишланур
Бурни қўш мўри кабию қиши дандон ўйнағил.

Еш бола кўрса баногоҳ шайтонлаб қолгай тайин,
Кўрса хилватда улуг ҳам офати жон ўйнаргил.

Бошда сочингму — ғужумму, қайрағочму барги йўқ,
Куйдирилгон калладай тиржайма чаққон ўйнағил.

Лаб эмас, биллоҳки бу — кўмирчини ёстигидур,
Ўла — болишдай дудоқли катта корсон ўйнағил.

Тун кеча жисминг, кавокибдур тақинчоқлар анга,
Зилзила тунида ойдаи зеби гардон ўйнағил.

Опча бепоён танингким — тўқайи куйгон адир.
Ҳар оёқларким минору. мум сирилгон ўйнағил.

Қайдин дуч келдим санга мисли Мақотилга Аваз!
Унда бор Ғиркўк, қилич, йўқ менда имкон ўйнағил.

Шунча даҳшат қоматингу, ишваға борму бало?
Келма-келма ёнима, ўлдим энажон!! Уйнағил.

Сан бошинг қўйган ёстукқа тик туриб ухлаш маҳол,
Қўй мани мосингни топ, жон Барзангижон ўйнағил.

Ики дунёни ютарсан отса тонглар беазон,
Сеникидир ушбу тундай давру-даврон ўйнағил.

Найлайинки толеим бад санга ўлмишман асир,
Кўзларимга тийра бўлди еру-осмон ўйнағил.

Ҳар неча есанг Яъжуж-о ики нафсинг тўймагай
Гоҳи ул ёна чўзиб қўл, гоҳи бул ён ўйнагил.

Ул адир остидаги ертўлага солма маним,
«Пахта!» — деб қопли раисни қилма зиндон ўйнагил.

Дудидин янтоқ қораймуш гишт пишар хумдонмуди?
Солдирма анга маниму қилма бийрон ўйнагил.

Қайси бир нопок кун эрди бўлмишам санга асир
Оқибат саркаш фақир қилди афғон ўйнагил.

Мисли Қайқубод киби Алпомиш чоҳи бошида
Сакрама ул ёну, бул ён урма жавлон ўйнагил

Қолмади Оҳангаронда оҳану, Мисконда мис
Тушди кон қазмоққа кончи, бўлдим урён ўйнагил.

«Мандин шунча кетди-ю, бир сандин келмайдур», —
дебон

Қийнама жопимнию, қўздирма жиндон ўйнагил.

Ул Зулайходек яшарган орзум кўзлар тишиб
Бўлди наздимда ҳувайдо-ю, намоён ўйнагил.

Асли наслинг обу-хокмас, асли наслинг кул, тутун,
Ҳайф эрур санга фасеҳ тил, тингла жаргон, ўйнагил.

Сўзламай тур гирдибоддай ул саробим ямлама,
Мисли чекканлар каби «ҳайдер»-у, «жингон» ўйнагил.

Сан ўзунг бирла ўзунг бўлғонда таркинг қилмасам
Ики дунёда қилиб юргум пушаймон, ўйнағил.

Эй фалак қутқар Хумийни бу зулуммот илкидин
Ёки мен рози таним тарк айла эй жон ўйнағил.

ҲАЛИЯМ ЧИҚҚАН ЭМАС

(*Чиқмаса—чиқмам радафли мухаммасга дахл санъати*)

Сағир авлоди оллиға Атои чиқмади ҳоло!
Амири, Яссавий, Фазлий, Гадои чиқмади ҳоло!
Аламқаш, Вола, Мискинман, Садои чиқмади ҳоло!
Фақирийни Умидий ул Вафои чиқмади ҳоло,
Мани чиққил дема хумдин, Навоий чиқмади ҳоло!

Қай ул кунким маним равшан юзим тундек
қаро бўлди.

Қароргоҳим бўлиб бул хум жойим туфроқ аро бўлди.
Жамий Ибрат битикларким Хожа янглиг Адо бўлди
Тағин Хокий уза Бадру Ҳилоли чиқмади ҳоло!
Мани чиққил дема хумдин Навоий чиқмади ҳоло!

Алингга тушганин ёқдинг иборат деб куфу-суфдин,
На билғунг илми қолу-қол, налар билғунг
тасаввуфдин?!

Бизи кўмди неча доно чўчиб подон тасарруфдин.
Табрезий, Румню, Аттор, Бинои чиқмади ҳоло,
Мани чиққил дема хумдин, Навоий чиқмади ҳоло!

Сани раҳминг нетай фирқа, мани пирим қаиқатдур!
Чиқар оним қабоҳатмас, чиқар оним адолатдур!
Мен-эй, ҳеч кимсамас, ёзмишларим даври жаҳолатдур,
Ҳувайдою, Хумулию, Ҳусайний чиқмади ҳоло!
Мани чиққил дема хумдин, Навоий чиқмади ҳоло!

Сан-эй, ўзунгни билмассен, кетмас запжири гул сандин!
Сан-эй, қадрингга етмассен, беҳроқ санга мўғул
сандин!

Умидим шулмиди ҳайҳот, қизим сандин, ўғул сандин?!
Хумийман, қўйки, Рабғузий Фузулий чиқмади ҳоло,
Мани чиққил дема хумдин, Навоий чиқмади ҳоло!

1. Ҳоло — ҳалиям.

ФУЗУЛИЙ ҒАЗАЛИҒА МУҲАММАС

Жаҳонға келдигим кундин ўзни захмат аро гўрдим.
Замон аҳлини ҳам мутлоқ ўзумдек бепаво гўрдим.
Кими-ким хушсухан гўрдим, анға жоним раво гўрдим.
Вафо ҳар кимсадиқким истадим андин жафо гўрдим,
Кими ким бевафо дунёда гўрдим, бевафо гўрдим.

Ки ҳар не этдигим орзу алим етмай бўлур армон.
Сўзумни барқидин хасдек куёдир каниши бул жон.
Табиби руҳу-жонимни тополмай гезмишам ҳайрон.
Қима-ким дардимни изҳор қилдим истайиб дармон,
Ўзимдин ҳам батар бир дарда они мубтало гўрдим.

Авомдин ҳам батардир аҳли илм кўзларда ўз нафин,
Агар ҳақдин сухан очсанг, санға ёғилғуси нафрин.
Бафосиз жонини асрар ҳама, чиқмас биров сафдин.
Мукаддар хотиримдин қилмади бир кимса ғам дафдин,
Сафодин дам ураи ҳамдамлари аҳли риё гўрдим.

Қай ул фосиқ ки фисқ этти, замон дўндарди юз
мандин.

- Ким ул ошкораю, кимдир ниҳон дўндарди юз мандин.
Қарилиқ меҳр ила боқти, жавон дўндарди юз мандин.
Агар сув доманин тутдим равон дўндарди юз мандин.
Ва гар кўзгудин умдим сиққ, акси муддао гўрдим.

Ман — эй, донолиқ истарман, вале нодонлиқ алверди.
Ман — эй, парвоза бол сўрсам, пара сўзонлиқ алверди.
Меҳр бирла бағр очдим, озорижонлиқ алверди.
Оёқ босдим дари уммида, саргардонлиқ алверди,
Ҳунар сарриштасин тутдум, алимда аждаҳо гўрдим.

Ташур айғогими маҳрами розим ҳам бўлуб мушкбез,
Етушсам оби — ҳайвон ҳам бўлур тезоб каби хунрез.
Маним ганжим олиб ҳайҳот иликимга тутурлар жез.
Маңга гўстарди гардуи, тийра бахтим кафкабин юз гез.
Мани бебахт анга ҳар гоҳким, бахтим қаро гўрдим.

Фалакни кафкаби кўчгай чекилган оҳу-ноламдин.

Ким ул мустар камоламдан, ким ул ким шод

заволамдан.

Давр Хумийсимаи билгай лаб ханда, кўзда жоламдан.

Фузуллий, айб қилма юз чебирсам аҳли оламдан.

Наданким, ҳар кими юз тутдим, андин юз бало

гўрдим.

МУХАММАС БАР ҒАЗАЛИ УСТО ГУЛМАТ

Ўзинг қўлла аё мавло манам девон тузай эмди.
Ки таъблар риштасиға дурими маржон тизай эмди.
Қаландир Машрабинг янглиғ элим то кай кезай эмди?
Носингдин чўз, ағо, менга, хуморимни босай эмди.
Мўминларга гилаб инсоф самоға арз ёзай эмди.

Кезур қўлтўғина чўчқони пустидин бўған папка,
Қириб соқолу мўйловни «карочи» деб тушар гапга,
Ғаҳи молдай ичиб мурдор, попруска қистириб лабга.
Чапонидин кечиб чоллар кияр палто била шапка.
Наҳот саллам матоҳидин манам иштон ясай эмди?!

Рамазонда чекур попрускаю, ўзи кашандамас,
Бирав келса эшигиға бериб «домло бово»лаб сас,
Шу зум домло бовонг ҳужра аро қўрқиб бўлур вас вас,
Кўринг э—воҳ отин кампир еяр консерваю-колбас.
Жаҳаннамға ўзи шошса йўлни қандай тўсай эмди?

Бўлур олими даврон ким таворихни дуруғ айтса,
Эса ахмоқу ҳам лодон қариндошму-уруғ айтса,
Бўлиб домод ваё зўрга келур насли бузуқ айтса,
Хотуники очиб юзни эриға йўл-йўриқ айтса,
Қўлимға ман ҳино чаплаб паранжида кезай эмди

Ки лиссони Фузулий-ла десам: «кангулда дард чўхлур».
Аламкаш эл тамом очдур, ким ул зулмкор эса тўқдур.
Ким ул дардин ниҳон тутмас насиба анга бир ўқдур.
Бутун элни титиб чиқсанг ғазабнок эр киши йўқдур.
Букуи шердай уруб наъра само тинчин бузай эмди.

Кўтарилдим дея шод ўлма кўп туфроқдин ток занги,
Узум йитгач бошинг хокда белингга боз пахол лўнги,
Хумийдирман вале билмам нечук ваҳдат майин ранги?
Алам ўтган киши борки бири майхўр, бири банги.
Кел, э Гулмат дедим охир манам кўкнор эзай эмди.

МАЛЛАБОЙҒА

Алқисса, Жулқунбой таърифлагон: Гирвонлиқ Малла-
вой аканг ўзини «шатранж усули» бирла шуҳрат қозон-
ғандан қозониб Берўя отлиғ амалдорға қиз таплаб бера-
турған мақомотға эришди Жумҳуриятнинг бори сулувлар-
рини бир ҳарамға чорлаб бир-бир кўрикдин ўтказаётир.

«Танлаб-танлаб ул ганланконларни нетасиз?! Ўзи шу
сиз-да бемаза қовундай кўпайгон Натайхоиларни тагин-ди:
кўпайтириш шартмиди?!» — дейтургон бир мард йўй
Ана таннозлар ўзини бозорға солиб, жимо супадин бир
ма-бир ўтишаётир.

«Фуқаронинг аҳволоти ўзунгга маълум бўлсаю, бу
тагин не саъю-ҳаракат хумпар!» — дея фақир бўғилгон
дини бўғилиб Маллавой акангга қарата бу суханларни
айтдим:

Ўйгонғанинг шу тур кечса маҳшарғача алла ҳой.
Ҳаром санға фақир айтган васфу, мадҳу, ялла ҳой!
Санға мақбул эрса бул кср ечғил бошдин салла ҳой!
Элни бало — қазолардин асрайдурғон палла ҳой!
Қўй бу ишни раиятни ҳолини сўр Маллавой!

Йиққанларинг сирти мақбул, фаросоти говлаган.
Манов сайдни кеча-кундуз неча сайёд овлаган.
Беригиси маҳаллани бир-бирига ёвлаган.
Ўтдағисин кўриб неча ёшуллилар «ҳов» — лаган,
Қўй буларни раиятни ҳолини сўр Маллавой!

Ановини оғзи мурдор, ярашмаған пучуғи.
Ендағисин юпқа лабда бор эканда учуғи.

Бунисини бели мисли Ойша момонг урчуги,
Бурундуқдай бурнин асли қийшиқ бўлгон бичиги, 7
Қўй буларни, раиятни ҳолини сўр Маллавой!

Оқ деворда таппи янглиғ бунисини холи бор.
Муниси сал шубҳалироқ, кўкрагинда ёли бор.
Сўл ёгдағи ўта ориғ — бир қучгули холи бор.
Соқидағи упалисин бобом тенгги чоли бор,
Қўй буларни, раиятни ҳолини сўр Маллавой!

Терс турғонин кўзи гилай, кулмагонин тиши йўқ,
Рангпарини қази, мояк неъматларға хуши йўқ.
Сўлқилдогин емоқлиқдан бўлак қилар иши йўқ,
Фақат буни тўймас нафсин тўйдирғули киши йўқ.
Қўй бу ишни, раиятни ҳолини сўр Маллавой!

Бунисиға ғул қилмай кўкрак тутган дояси,
Дашак чоги қўшни боққа эккандир ҳамсояси.
Мунисин моёнаси боёнлар дастмояси.
Бунисини оёқлари жўхорини пояси,
Қўй буларни, раиятни ҳолини сўр Маллавой!

Утаётир семиз, ориқ, пайнов, калта тараглар.
«У ёгига қаранглар-ҳо!!» «Бу ёгига қаранглар!!!»
Бўларича бўлди Хумий, нетдийкин ёш-яланглар...
Мунақанғи сайл қилса ярашади Фаранглар,
Қўй бу ишни, раиятни ҳолини сўр Маллавой!

еб сатанглар кўругига этак силкиб ҳаммом сари **азму**
хтиёр айладим...

ТАВФИҚ

Қотил Қобилу ҳам Иқлимога
Бўзлаб боққан ул Одам атоға
Бўлганму нозил, қолган фанога
Бир фард бордур ўхшар дуога:
Олдим балони, солдим балоға,
Чиқди балоси, қолдим балоға.

Куфрони неъмат Канъонни тўфон
Гарқ айлагунча ул Нўҳи гирён;
Юсуфсиз қайтгач қолган ўн ўғлон
Балки айтгандур Яъқуби Канъон:
Олдим балони, солдим балоға,
Чиқди балоси, қолдим балоға.

Балки у Доро қилгандир фарёд
Мулкин Скандар этганда барбод;
Маълави Румий Шамсини ҳайҳот
Лошин қудуқдин тортиб солур дод:
Олдим балони, солдим балоға,
Чиқди балоси, қолдим балоға.

Мирзо Мироншоҳ Ирок чўлинда,
Мирзо Улугбек Насаф йўлинда,
Шоҳжаҳони ҳинд кишан қўлинда —
Бўлганда нозил шу байт дилинда:
Олдим балони, солдим балоға,
Чиқди балоси, қолдим балоға.

Ҳар кимса ёлғиз Хизр ҳамройи.
Зебунисою Машраб, Садои..
Ушбу сулукни пири Навоий.
Ҳурдир, бу байтти айтмас Исоён:
Олдим балони, солдим балоға,
Чиқди балоси, қолдим балоға.

Бир неча бўлди зобит куёви,
Бўлди таваллуд ўзидин ёви.
На тилу, на дин, эмиш «дунёви»
Маст бўлса доим шудир йиғлови:
Олдим балони, солдим балоға,
Чиқди балоси, қолдим балоға.

Ҳовлинда Хумий ул бору, қиз бор.
Қолингда Хумий билмам на из бор?
Ўзунг тавфиқ бер ё парвардигор
Улғайтиб бир кун дедирма зинҳор:
Олдим балони, солдим балоға,
Чиқди балоси, қолдим балоға.

МУСАДДАС

Кеча эрди халқ аро бир ифтихор ўрус пули,
Тонимас эрди атосини кимда бор ўрус пули.
Кечаги шабнам бу кун ёмғиру-қор ўрус пули,
Бунча бехайру — баракот бўлди ёр ўрус ули!
Ҳаммани сероб қилди, бизни зор ўрус пули,
Рўзба-рўз, соатба-соат беқарор ўрус пули.

Фиръавндай ўзини тутгай эди деб: «мен худо!»
Кўп эди парвонаси-ю, айлади кибру-ҳаво.
Барчаси элга аёнду, қайта сўйлаш нораво...
Ёғи соб бўлган чироқни пилтасидай базм аро
Бермагай рўшнолигу, торафт қилур дилни қаро.
Рўзба-рўз, соатба-соат беқарор ўрус пули

«Бир-икки чирманда! бўлса чит бозорда гижду-банг...»
Деб эдилар Калвак-о! Энди-чи, мингин ҳоли танг.
Нарх — наво карвони кетган, ойлигим ухлар, қарап,
Ойда бир уйғонса чўлда йўл гополмайди гаранг.
Жон болам қўй йнглама, э, ҳў хотин қилма гаранг
Рўзба-рўз, соатба-соат беқарор ўрус пули.

Кеча Марказқўм эди-ю, энди марказ сўм бўлиб
Қийнагай мазлум элимини дўзахи ҳафтўм бўлиб.
Ўз уйин ўғрилари ўрус пулига рўм бўлиб —
Тошигай борини файдосини божгир, дўм бўлиб
Мол олиб сотмаса пулдор синмаги маълум бўлиб
Рўзба-рўз, соатба-соат беқарор ўрус пули.

¹. Абдулла Қодирий «Калвак Мақсум хотира дафта-
ри»дан

Барқарор пул биттадирким — ул оти пули сирот.
Мишг шукрким битмади бизга азалдин мулк бисот.
Бор эса тинмасму эрдик «ол-да, сотда, ол-да, сот...»
Дарвоза қурмоқ кераку ҳовли гирдига работ...
Кечалар сертахлика... Эҳ шуми беш кунлук ҳаёт?!
Эй Хумий шеърингни ёзда, санга не, хурракни от
Рўзба-рўз, соатба-соат беқарор ўрус пули.

ИСТИҒФОР

Зино қилсанг ул жувон билар,
«Миш миш» бонс неча жон билар.
Бўлсанг каззоб — бир неча қўшни,
Ҳам сен тушган ул зиндон билар.
Бўлсанг қотил — арвоқдир гувоҳ,
Сенда қолган ўшал қон билар.
Бўлсанг банги ва ёки майхўр
Сен ўзда йўқ бўлган он билар.
Аммо сўзга қилсанг хиёнат
Шеъринг етган ҳар замон билар!

Кечир ўзинг калом берган зот.
Кўпдир менинг гупоҳим ҳайҳот!
Жаҳолатда чидай олмасдан
Ношойиста кўп қилдим фарёд.
Кечир ўзинг исёнкор шеърим
Кимки ўқиб юрган бўлса' ёд.
Кечир уни мендан-да бурун
Ғамхонасин айлағил обод.
Кечир бизни ҳар иккимизни
Жаҳолатдан айлагил озод...

(1991)

М У Н Д А Р И Ж А

Даъват	4
Кўзи очилмаган улус кўргилиги	5
УМРИМ НАВРЎЗЛАРИ (туркум)	
II. Наврўз мушоирасига	7
VI. Келдингми Наврўз	9
VII. Муборакбод	10
VIII. Васф	12
X. Қўй йили Наврўзи	14
XI. Шукрона	16
«Шоҳнома» сабоги	7
Қушлар кетар	3
Кўз оч ёрижон, тур	24
Масеҳонинг Яҳудога айтганлари	26
Шаффоф шарпа	27
Нбодуллонинг далласи	36
Оч арвоҳ	37
Шеъринг додлар	42
Мухаммад Иқбол таъпаси	46
Истаҳар келар бостириб	48
Муроса ҳақида қўшиқ	50
Яхши ҳамки Отабеклар мозийда ўтган	
Альбом	54
Тарих сарақлари кеч куз хазони	55

Эсиз	58
Мерос тақсимлаш	59
Дуо	60
Хуфтон адогида	61
Сабоҳатнинг нидоси	63
Кўшилдим	64
Рафиқамга	65
Битта йўлни	67
«Америка овози» радиостанцияси мухбири мистер Жеймсга (ёки Жамол Сирожиддин ўз-ўзига)	67
Бастакор танишимга	70
Шаҳардаги дарахт ҳақида эртак	71
Цирк арслони	71
СССР Халқ Депутатларининг I-съездини кўриб	73
Машрабиман далли дунёнинг	74
Курақлар ораси сим-сим зирқираб	75
Харбийдан қайтмиш	76
Мирзога	77
Шеър монологи	78
1971 йил ёзидаги энг қисқа ва энг қоронғу тун	79
Орадан 15 йил ўтгач туғилган шеър	81
Давлати	82
Жазоб мактуб	83
Кўнир капалакка айланиб бир кун	85
Кузатиб қўймаднинг олис сафарга	86
Мавлоно Муқимий «Сандални»ларига битилгон мухаммас	87
Пушаймон	89
Мактуб	91
Шоир ниш излаганда	92
Таниш шоирга	94
Етмиш	96
Кекса шоир ҳасрати	97
Мухаммас	98
Нарор	100
Даҳрийга	101
Тарози бор эмиш Арши—аъллода	101
Кетар бўлсанг бош олиб	103

МАВЛОНО ХУМИИ МЕЪРОСИДАН	105
Қоқиндуқ	106
Келдум	107
Кўрдум	108
Ҳе қайдаю, ҳе қайла	109
Шоҳи Машрабдек неча	110
Бас-эй сассик сўкуш	111
Қулупнайфурушга	112
Куфурлик ҳаддидин ошди	113
Ут эрур бошдин аёғим	114
Сапи	115
Етар қуллик	116
Они қаранг-а, шуйтиб, ахийри қутулдик	117
Ҳалиям чиққан эмас	121
Фузулий газалига мухаммас	123
Мухаммас бар газали усто Гулмат	125
Маллавойга	127
Тавфиқ	129
Мусаддас	131
ИСТИФФОР	133

Самарқанд вилояти ҳокимияти матбуот бошқармаси-нинг М. В. Морозов номидаги басмаҳонаси 703000, Са-марқанд шаҳри, Улуғ Турсунов кўчаси, 82-уй.